VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

39 (47) 2009 йил 7 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz

## Термиз кўрки

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач жойларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йирик-йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди. Юзлаб маданий-маиший бинолар қад ростлади. Айниқса давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилаётган замонавий касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва академик лицейлар кўзни қувонтиради.

➔ 4-бет



## Компьютер ва тарбия

Жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар сони тобора кўпаймоқда, мижозларнинг аксарияти эса ёшлардан иборат. Ёш авлод мазкур соҳани ипидан игнасигача мукаммал эгаллашга ҳаракат қилаяптими ёки унинг қулига айланиб бораяптими, буни ажратиб олиш мушкул

➔ 7-бет

## Кандакорлик

Дарҳақиқат, шундай. Тасаввур қилинг, ёғочга нафис қилиб ўйилган нақшлар, қадимий меъморчилик ёдгорликлари, кошинкор, жозибали безаклар, нафосатли гулдор матолар, металлга нақш ўйиб ишланган буюмлар гўзаллиги ҳар қандай кишини мафтун қилиши шубҳасиз.

➔ 8-бет

## МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
Сўз Пленум иштирокчиларига
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Электорат манфаатларини таъминлаш
Нукусда ёшлар форуми
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Фуқаро мурожаати
Мерос ҳуқуқи
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Ташқи реклама
ЖАРАЁН 6-бет
Танганинг икки томони
Янги миллий кошона
Келажак тимсоли
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Дунёдан дараклар
Микроорганизмлар
КЎЗГУ 8-бет
Театр талабалар даврасида
Бунда ёшлар топади камол
Хитой-юртимиз фоторассомлари нигоҳида
Турфа олам

ЎзМТДП ҲАЁТИ

# Пленум кун тартибидан

## муҳим масалалар жой олди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши V - пленуми бўлиб ўтди. Пленум кун тартибидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда ЎзМТДПнинг иштироки ва сайловларга тайёргарлик кўришнинг чора-тадбирлари тўғрисида", "ЎзМТДПнинг 2009 йилнинг тўққиз ойи давомидаги фаолиятининг якунлари тўғрисида", "ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ташкилотларининг пленумлари ва конференцияларини ўтказиш ҳақида", "ЎзМТДПнинг сайловолди Платформаси ҳақида", "ЎзМТДПнинг II съездини чақириш тўғрисида"ги ва бошқа масалар жой олди.

Пленумда маъруза қилган ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бугунги пленуми мамлакатимиз, жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайлов кампанияси эълон қилинган ва бу жараён ўзининг қизғин палласига кириб бораётган бир даврда ўтмоқда,- деди. - Барчамизга маълумки, сайлов ҳар бир сиёсий партия учун, жумладан партиямиз учун ҳам муҳим синов ҳисобланади. Биз ўтган беш йиллик фаолиятимизни сайловчиларимиз ва партиямиз электорати олдида сарҳисоб қиламиз, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан, ҳаёт бугун олдимизга қўяётган вазифаларнинг таҳлилидан, партия ижтимоий қатлами манфаатларидан келиб чиқиб истиқбол режаларимизни белгилаймиз. Ана шу масалалар ҳақида гап кетганда, аввало, янгиланган "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Устави ва Дастурида белгиланган асосий мақсад ва вазифалар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Партиямиз мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолиги ва ташаббуси билан бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона урф-одат ва анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдори сифатида майдонга чиққан.

(Давоми 2-бетда)

ДАВРА СУҲБАТИ

# Электорат манфаатларини таъминлаш

## фаолиятимизда етакчи ўринга чиқиши керак

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, асосий эътибор миллий анъаналар ва қадриятларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари аниқ вазифаларга қаратилади.*

Жумладан, тарихий обидаларни сақлаш, ўзликни англаш, мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётида ўзбекона урф-одатлар ва анъаналарни юксалтириш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш фаолиятимизнинг бош мақсади экан, бугун партия ҳудудий ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари бу жиҳатга, яъни электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қай даражада эришяпти? Улар фаолиятида бу мезон ўзининг ижобий самарасини топяпти, деб ишонч билан айта оламизми? Шу каби саволларга жавоб топиш, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда келажакдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадига қаратилган давра суҳбатида иштирокчилар томонидан билдирилган аниқ таклиф ва фикр-мулоҳазалар тадбирнинг аҳамиятини янада оширди, дейиш мумкин.

**Ботир Норбоев, ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари:** — Бўлажак сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Сайловлар ва сиёсий партиялар – демократиянинг, сиёсий тизимнинг ажралмас қисми эканлигини эътироф этган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, истиқлол шарофати билан биз ўзимиз танлаган йўлдан дадил қадам ташлаб бориб, бугунги кунгача эришган натижаларимизни чамалаб, сарҳисоб қиладиган бўлсак, ҳар иккала тушунчанинг ўзимизга хос ва мос қирраларини намоён эта олганлигимиз сезилади.

(Давоми 3-бетда)

АНЪАНА

*Ёшларимиз онгига мустақиллик ғоясини сингдириш, уларда жамият ривожига тўсиқ бўлиб келаётган ғоявий хавф-хатарларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш миллий анъаналар ва қадриятларимизга содиқлик руҳини юксалтириш каби мақсадлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш"демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг ўз олдига қўйган муҳим вазифаларидан саналади.*

# Нукусда ёшлар форуми

Шу мақсаддан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан Нукус шаҳрида ўтказилган "Баркамол ёшлар-обод Ватан келажаги" шиори остидаги минтақавий форум Қорақалпоғистонда навқирон авлод вакилларининг чинакам байрамига айланди. Истиқлол йилларида ўзига хос жозиба ва кўркамлик бахш этган Бердақ номидаги республика мусиқа ва драма театрининг муҳташам биносига юзлаб йигит-қизлар тўпландилар. Улар орасида ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари, партия "Ёшлар қаноти" аъзолари, қўшни вилоятлардан келган меҳмонлардан тортиб, тадбиркору ҳунармандлар, талаба-ёшларни кўриш мумкин эди.

Анжуманни ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси В.Реймов очар экан, партиянинг "Ёшлар қаноти"га бирлашган йигит-қизлар Қорақалпоқ диёрининг билимли, иқтидорли, юртимиз равнақи йўлида интилаётган фаол қатламини ташкил қилиб, улар тенгдошларига намуна ва ўрнак бўлаётганликларини мамнуният билан қайд этди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Р.Зарипова, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўмита раиси К.Реимов, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Г.Холмуратова, Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Г.Алуева ЎзМТДП республика кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Э.Усенов сўзга чиқиб, глобаллашув даври ва ёшлар масаласи, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, демократик жамиятни ривожлантиришда ёшларнинг роли, мамлакатимизда ёш авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳот ва дастурлар тўғрисида гапириб ўтдилар. Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ёшлар қалбида миллий қадриятларни мустаҳкамлашга, ватанпарварлик туйғусининг юксалишига хизмат қилишини таъкидлашди.

Анъана тусини олган форум муқаддам ЎзМТДП Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида бўлиб ўтган эди. Бу гал Нукус шаҳрида ўтаётган форумга хоразмлик ёшлар ҳам ташриф буюрдилар.

(Давоми 3-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎзМТДП ҲАЁТИ

## Пленум кун тартибидан

### муҳим масалалар жой олди

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ушбу ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, замонавий тараққиёт билан тарихий тажрибани уйғунлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш олдимизда турган вазифалардан деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистоннинг янги халқаро шароитларда ва геосиёсий воқеликда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий қадамларининг тактик ва стратегик мақсадлари ҳамда вазифалари замирида ҳам миллий тикланиш ва ривожланишнинг умумий мафкураси ва кенг қамровли дастури мавжуд. Шу боис Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги – умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини "Миллий тикланиш" демократик партияси қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳамда ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга партия бор куч ва имкониятларини сафарбар қилади. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланишини миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл деб ҳисоблаймиз. Худди ана шу сиёсий йўл ва маслакни қўллаб-қувватлайдиган, миллий манфаатларимиз ва қадриятларимиз учун курашадиган фуқаролар партиямиз ижтимоий қатламини ташкил қилади,-деб таъкидлади партия раҳбари.

Партиямиз ўзининг дастурий мақсадларига мос амалий фаолияти билан яққол ажралиб туришини таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, "Миллий тикланиш" демократик партияси ўтказаётган тадбирларнинг асосий қисмида Ватанимизнинг, миллатимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, шонли ўтмиш билан буюк келажакни, миллий қадриятлар билан замонавий тараққиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борадаги фаолиятимиздан айрим мисоллар келтирмоқчиман.

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси томонидан февраль-апрель ойларида вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри партия кенгашларида Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" ва "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари юзасидан семинарлар ташкил қилинди. Семинарлар ишида партия Марказий Кенгаши ва фракцияси аъзолари, партиядан сайланган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари, партия фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Ушбу тадбирларда давлатимиз раҳбари асарларида илгари сурилган асосий ғоя ва фикрлар, уларнинг реал ҳаётда ўз ижобатини топаётганлиги, мамлакатимизнинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича илгари сурган ташаббуслари моҳияти ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди ва бу борада партия ташкилотларининг вазифалари белгилаб олинди. Ана шундай кенг миқёсли партиявий тадбирлардан яна бири Президентимизнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида сўзлаган нутқида илгари сурилган ташаббус ва таклифларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтиришга бағишланди. Бунда минтақада вужудга келган экологик вазиятни яхшилаш билан бир қаторда, асосан, трансчегаравий дарёлар сувидан оқилона фойдаланиш ва ушбу дарёларнинг юқори қисмида қурилиши мўлжалланаётган гидроиншоотларнинг лойиҳаларини халқаро экспертизадан ўтказиш сингари Ўзбекистон ташаббуслари аҳамиятига эътибор қаратилди. Чунки, бу масала бевосита мамлакатимиз миллий манфаатларига ва халқимизга ҳамда минтақа хавфсизлигини таъминлашга бевосита дахл қилади.

Маълумки, мамлакатимизда ёшлар ва аёлларимизнинг сиёсий фаоллигини кучайтириш ва уларга барча соҳаларда кенг имкониятлар яратиш бўйича ибратли ишлар қилинмоқда. Партиямиз аъзолари ичида ёшлар ва хотин-қизлар салмоқли ўрин эгаллайди. Шу боис, партиямиз "Баркамол ёшлар – обод Ватан келажаги" минтақавий форумларини ҳамда хотин-қизлар ўртасида "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" сингари кўрик-танловларни ўтказди. "Миллий тикланиш" демократик партияси амалга оширган мазкур икки йирик лойиҳа туфайли партиямиз ижтимоий қатлами мустаҳкамланди, одамларнинг партиямизга бўлган қизиқиши янада ортди.

Бироқ,- деб ўз сўзини давом эттирди партия раҳбари, — айрим партия ташкилотлари фаолиятида ташаббускорликнинг етишмаслиги, номигагина тадбир ўтказиш, бошланғич партия ташкилотлари сони ва сифатини кучайтириш бўйича фаолликнинг етишмаслиги сингари камчиликлар яққол кўриниб қолмоқда. Айниқса партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни бугунги кунда қандай масала-муаммолар ташвишга солаётганлигини пухта ўрганиб, таҳлилий материаллар тайёрлаш ва тегишли тартибда ҳал қилиш ишлари ҳам қониқарли даражада эмас. ЎзМТДП Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм ва Фарғона вилоятлари кенгашлари, Қизириқ, Бандихон, Нарпай, Пахтачи, Нуробод, Боғот, Шовот, Қувасой, Олтинкўл, Бекобод, Оққўрғон сингари туман кенгашлари ишида бир қатор камчиликлар мавжуд. Бундан ташқари жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар устидан депутатлик гуруҳларимиз воситасида жамоатчилик назоратини олиб бориш, айниқса партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб муқобил таклифларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш юзасидан ҳам зарур даражада фаолият кўрсатилмаяпти. Фаолиятимиздаги мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, барча партия ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш, партиямиз аъзолари ва хайрихоҳлари сонини кўпайтириш, ижтимоий қатламни янада мустаҳкамлаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Маълумки шу йилнинг 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси 2009 йил 22 сентябрдан мамлакатимизда сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди. Шу муносабат билан партиямиз Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси 26 сентябрь куни йиғилиш ўтказиб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловда иштирок этиши юзасидан қарор қабул қилди ва бугунги пленум ушбу қарорни кўриб чиқиб тасдиқлайди.

Барчамизга маълумки, шу йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқди. Ушбу Концепцияга мувофиқ қабул қилинган "2009 йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб декабрь ойигача босқичма-босқич ўтказилиши шарт бўлган сайловолди тадбирларининг таркиби ва тузилмаси" деб номланган ҳужжатни ҳам Марказий сайлов комиссияси қабул қилди. Марказий сайлов комиссияси қабул қилган Концепцияда сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз амал қилинишини таъминлаш сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи орган ҳисобланиши тўғрисидаги норма изчил амалга ошириш ҳам Концепцияда назарда тутилган. Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашувига йўл қўйилмайди. Концепцияда сайловлар давомида сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон бир имтиёз ва преференциялар бериш истисно этилиши қайд қилинган. Амалдаги сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссиясининг Концепциясига мувофиқ партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ЎзМТДПнинг сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Ҳозир ана шу ҳаракат дастуридан келиб чиқиб олдимизда турган энг асосий вазифлар устида тўхталиб ўтмоқчиман,- деди партия раҳбари.

- Биринчидан, ишимизни сайлов қонунчилигини энг аввало ўзимиз пухта билиб ва уни кенг тарғиб қилишдан бошласак мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги халқимизнинг бой миллий қадриятлари ва тарихий давлатчилик анъаналари асосида сайловга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда яратилган бўлиб, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда давлат бошқарувидаги эркин иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Албатта сайлов қонунчилиги ҳам мамлакатимизда босқичма-босқич такомиллаштирилиб келинди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзи учун демократик сайлов стандартларининг энг юқори даражасини белгилаб олган мамлакатимизда ҳокимият вакиллик органларига сайловларни янада демократлаштириш жараёни изчил амалга оширилмоқда. Натижада умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар, демократик талаблар ва стандартларга мос самарали сайлов қонунчилиги базаси шакллантирилди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароитлар, уларнинг сайлаш ҳуқуқларини тўла амалга оширилишининг ишончли кафолатлари яратилди.

Ўзбекистонда сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказиш амалиёти аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнларини чуқурлаштиришнинг муҳим омилига айланди.

Иккинчидан, жойларда партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш бўйича турли мавзуларда йирик тадбирлар, конференциялар, ўқувлар ва семинарлар ташкил этишни янада кучайтиришимиз лозим. Ушбу тадбирларда партия фаоллари билан чегараланиб қолмасдан, аҳолининг барча қатламларини жалб этиш керак бўлади. Имкон даражада, вилоят, шаҳар ва туманлардаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда партиявий мақсад ва вазифаларни тарғиб этиш лозим. Бунда Марказий, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари аъзолари ва партия фаоллари кўмагидан кенг фойдаланиш керакдир.

Учинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 17-1-моддасига асосан жойларда партиянинг ваколатли вакилларини тўлиқ шакллантириш ишларини якунлашимиз ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ходимлари ва фаоллари ҳамда депутатликка номзодлар билан "Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асослари" ва шу каби мавзуларда семинар-тренинглар, давра суҳбатларини ўтказишни кучайтиришимиз лозим.

Сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ўтказилишини ташкил этиш мақсадида ЎзМТДПдан кўрсатилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш бўйича гуруҳлар тузиш, уларни тарғибот-ташвиқот воситалари билан таъминлаш ҳамда сайловолди учрашувларини ташкил этиш ҳудудий ва маҳаллий Кенгашларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қошида сайлов штаби ва тарғибот гуруҳи тузилди. Худди ана шундай штаб ва гуруҳ жойлардаги барча партия ташкилотлари қошида ҳам тузилиши шарт. Сайлов штаби сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ бутун фаолиятини, номзодлар, ваколатли вакиллари, кузатувчилар, ишончли вакиллар ва тарғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бориши керак.

Фурсатдан фойдаланиб,-деб ўз сўзини давом эттирди нотиқ, эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Сайловнинг бошқа сиёсий жараёнлардан принципиал фарқи шундаки – сайлов қатъий равишда амалдаги қонунлар доирасида ўтади. Шу билан бирга сайлов кампанияси давомида партиялар ўртасида сайловчилар овози учун, ғоя ва мақсадлар ҳамда дастурлар кураши кечиши табиий ҳол. Биз бу жараённи амалий ва конструктив таклифлар ҳамда ғоялар кураши тартибида олиб боришимиз, ҳар доим ўзимизнинг позициямизни қатъиян ҳимоя қилишимиз зарур бўлади. Бу учун партиямизнинг сайловолди Платформасида илгари сурилаётган мақсад ва вазифалар билан бир қаторда, ҳар бир минтақанинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароитини яхши билишимиз, партия ташкилотлари ва номзодларимиз қўлида зарур таҳлилий материаллар бўлишини таъминлашимиз керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур сайловларда муносиб иштирок этиш, вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш – асосий мақсадларимиздан биридир. Шу билан биргаликда, партия Марказий ва ҳудудий Кенгашлари ўз фаолиятларини партиянинг сиёсий тажрибаси ва ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида партия нуфузини ошириш, тарафдорлари сонини кўпайтириш, ижтимоий қатламини мустаҳкамлаш ва энг муҳими эртага партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз берадиган электоратни шакллантиришга жиддий эътибор беришлари шарт,-деди пировардида партия раҳбари.

Йиғилиш кун тартибидан жой олган бошқа масалалар юзасидан ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосарлари У.Муҳаммадиев, Ж.Сафоев, партия МК Ижроия Қўмитаси девони раҳбари И.Арипов маъруза қилишди.

Пленум кун тартибидан жой олган масалалар юзасидан музокараларда сўзга чиққан партия Марказий Кенгаши аъзоларидан Ш.Деҳқонов, У.Жалменов, А.Раҳмонов, У.Исмоилов, А.Жумаев, Б.Ибрагимов ва бошқалар партия фаолиятининг жорий йил тўққиз ойлик фаолиятида эришган натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида гапириб, партия ташкилотларида олдида турган вазифалар ва партиянинг сайловда иштироки билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратишди.

Муҳокамалардан сўнг партия Марказий Кенгаши пленуми кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

## Сўз Пленум иштирокчиларига

**Ғайрат Қодиров, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:** — Пленум кун тартибида муҳокама этилган масалалар юзасидан маъруза ва музокаралар чоғида партиямизнинг ўтган 9 ойлик фаолияти сарҳисоб қилинди. Тўпланган тажриба, йўл қўйилган камчиликларнинг чуқур таҳлил этилиши барча партия фаолларига, айниқса айрим фаолияти суст партия ташкилотларига аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Асосий фаолиятимиз ҳисобланган партия Дастуридаги мақсад ва ғояларни аҳолининг кенг қатламига тарғибот-ташвиқот қилиш борасида янги усул ва услублардан самарали фойдаланиш борасида кўпроқ изланишимиз ва амалий ишга ўтишимиз алоҳида таъкидланди. Айтиб ўтилганидек, жорий йилнинг ўтган даврида республика бўйича партия томонидан 2720дан ортиқ тадбирлар ўтказилган бўлса-да, уларнинг барчаси ҳам бугунги талабларга жавоб беради деб бўлмайди. Айрим партия ташкилотлари номигагина тадбир ўтказиш қабилида фаолият олиб бораётганлиги албатта ачинарли ҳол. Пленумда таъкидланган ва партиямиз нашри орқали кўпчиликка маълум "Баркамол ёшлар-обод Ватан келажаги" шиори остидаги минтақавий ёшлар форуми, "Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" хотин-қизлар ўртасидаги республика кўрик-танлови каби тадбирларнинг хайрихоҳлар сонини ошириш, сафимизга иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни жалб этиш борасида яхши самара бераётганлиги бежиз эмас деб ўйлайман. Тадбирларда узундан узоқ маърузабозлик қилиб ҳеч қандай натижага эришиб бўлмаслигини тушуниб етиш вақти келди. Мисол учун юқорида номи тилга олинган ёшлар форумида ташкил этилган ёш ҳунармандлар кўргазмалари, ижодкор йигит-қизларнинг бадиий дастурлари намойиши ва тадбир якунида уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши ёшларнинг интилиш ва имкониятларини, ташаббус ва салоҳиятларини партиямиз ғояси атрофида бирлаштирмоқда. Бундан кўриниб турибдики, келгуси фаолиятимизда ана шундай ноанъанавий тадбирларни сон ва сифат жиҳатдан оширишимиз талаб этилади.

**Шуҳрат Деҳқонов, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:** — Партия Марказий Кенгашининг V-пленуми ўз-ўзини танқид руҳида, кескин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Дарҳақиқат, бу йил бўлиб ўтадиган сайловлар партия ташкилотлари зиммасига жиддий масъулият юклайди. Албатта, ўтган давр мобайнида партия томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилди. Бироқ, ютуқлар ўзимизники бўлгани ҳолда ҳали олдинда амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар турибди.

Чунончи, пленумда ҳақли равишда танқид қилинганидек, партиянинг айрим ҳудудий ташкилотларида ташаббускорлик етишмаяпти. Номигагина ўтказилаётган тадбирлар, афсуски, кутилган натижаларни бермаяпти. Жойларда партиямиз мақсад-вазифаларини тарғиб этиш ҳақиқатдан ҳам суст бормоқда. Фаолиятимиздаги хато ва камчиликларга зудлик билан барҳам беришимиз лозимлигини яқинлашиб келаётган муҳим синов даври-сайловлар ҳам тақозо этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эмин-эркин фаолияти учун жуда катта имкониятлар, ҳуқуқий асослар яратилди. Биздан эса сиёсий фаоллик, ташаббускорлик, изланувчанлик ва фидойилик талаб этилади. Бу борада асосий ишимиз, халқ ичига кириб бориш, фуқаролар орасида хайрихоҳларимиз сафини янада кенгайтириш, электоратимиз манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишларни жонлантиришдир. Бунга партиямиз ҳудудий ва бошланғич ташкилотлари фаолиятини кескин кучайтириш орқали эришиш мумкин. Ўйлайманки, мазкур пленумда мен каби барча қатнашчилар ҳам ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олишди. Шундан келиб чиқиб, барчамиз партиямиз мақсад ва ғоялари атрофида жипслашиб, баҳамжиҳат ҳаракат қилсак, келгусида албатта кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

**Дилфуза Ҳабибуллаева, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси:** — Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан айтиб ўтилган ижобий фикрлар билан бирга партиянинг айрим ташкилотлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқаришимиз, айниқса сиёсий жараёнларнинг энг қизғин палласи — сайловлар арафасида муҳим деб ўйлайман. Чунки партиянинг қайси бир ташкилоти бўлмасин партия ишига масъулиятсизлик билан ёндошдими, бу бутун партия фаолиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу эса ҳар биримиздан тинимсиз меҳнат ва ташаббускорликни талаб этади. Бунга эса фақат истак ёки хоҳиш кифоя қилмай, балки шунга яраша амалий саъй-ҳаракат зарурдир.

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

## ДАВРА СУҲБАТИ

# Электорат манфаатларини таъминлаш

## фаолиятимизда етакчи ўринга чиқиши керак

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ сайловлар тизимини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди. Жаҳон илғор тажрибаларини ўрганиш билан бирга ўзимизнинг миллий қадриятларимизни ва анъаналаримизни инобатга олган ҳолда, энг асосийси, тадрижийлик билан узоқни кўзлаб, босқичма-босқич амалга оширилаётган ўзгаришлар нечоғлик оқилона эканлигини бугун кенг жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Худди шундай фикрни сиёсий партияларнинг ривожланиши хусусида ҳам айтиш мумкин.

Бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиялар қаторида Ўзбекистон "Миллий тикланиш"демократик партиясининг олдида ҳам муҳим вазифалар турибди. Ўз Дастурида аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган партиямиз уни амалга оширишга интилиши қанчалик табиий бўлса, сайловлар ана шундай фаолият самарасини кўрсатадиган восита ва синов эканлиги ҳам айни ҳақиқат. Бу борада сўз кетганда сайловларга қадар ва сайлов кампанияси жараёнида партиянинг ўз электорати билан ишлаши алоҳида аҳамият касб этади.

Фуқароларимиз ҳар бир сиёсий партия фаолияти билан танишиб, унга у ёки бу тарзда хайрихоҳлигини билдираркан, энг аввало сиёсий партиянинг қайси ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этиши, бу вазифани қанчалик самарали амалга ошираётганлигига эътибор қаратади. Шунинг учун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси олдида ҳам электорати билан ишлашнинг энг самарали шакли ва усулларидан фойдаланиш масаласи туради. Миллатнинг маънавий бирлиги, юртга садоқат, миллий ифтихор ғояларини илгари сурувчи илғор синф-зиёлилар, миллий анъаналаримиз ва бой қадриятларимизни асраб-авайлашни қалб амри деб биладиган олимлар, ижодкорлардан тортиб, ҳунарманду касаначиларнинг қарашлари ЎзМТДП ғояси билан ҳамоҳанглиги партиямиз таянадиган ижтимоий қатламнинг интелектуал салоҳияти нечоғли юксак эканлигидан далолат беради. Бу борада, фикримча, электорат билан ишлашда партия ташкилотларимиз, энг аввало, партиямиз ғоясини фуқароларга чуқур етказа олиши лозим. Шундагина ҳар бир фуқаро партиямизнинг ғояси ҳамда ўз қарашларидаги уйғунликни тўлиқ идрок этади. Шу ўринда бундай тарғибот ишларини олиб боришнинг шакл ва усуллари ҳақида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Тарғибот ишларининг эски самарасиз усулларидан батамом воз кечиб, замонавий, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш керак. Учрашув ва давра суҳбатлари, тадбирлар долзарб мавзулар танлаган ҳолда ҳар бир электорат вакилининг ўз фикр ва қарашлари баён этишига муҳит яратишни эътибордан четда қолдирмай ташкил этилиши натижага эришишда ўта муҳим ҳисобланади. Жумладан, бу орқали иштирокчиларни партияга жалб қилиш билан бирга уларда партиямизга ишонч ва унинг эртанги кунига масъулият ҳиссини ҳам шакллантиришга эришамиз. Кейинги навбатда эса, партия ташкилотларининг бевосита электорат манфаатларига қаратилган фаолиятига эътибор қаратиш лозим. Биргина мисол, мамлакатимизнинг халқаро туризм ривожланган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қатор шаҳарларида миллий ҳунармандчилигимизни янада ривожлантиришга партия ташкилотларимиз, партиядан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари муносиб ҳисса қўшиб, амалий таклифларни рўёбга чиқара олса, табиийки, минглаб шу соҳа вакиллари ЎзМТДП билан бир сафда бўлади. Ўз ижодларида миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни тарғиб қилаётган ёшларни қўллаб-қувватловчи кенг кўламли тадбирлар эса яна бир неча юзлаб ёш ижодкорларнинг сафимизга қўшилиши ёки хайрихоҳларимизга айланишига омил бўлади. Буюк аллома ва олимларнинг ворислари бўлган ёшларимизнинг фан-техника тараққиётига интилишини рағбатлантиришимиз, улардаги ихтирочилик ва рационализаторликни тарғиб қилишимиз ҳар жиҳатдан келажакка қилинган сармоя бўлишига шубҳа йўқ. Мисол тариқасида ҳар йили ўтказиладиган республика "Заковат" клублари фестивалида сиёсий партиялар ичида илк маротаба, дастлаб 2008 йилда "Фидокор" гуруҳи, 2009 йилда эса "Миллий тикланиш" гуруҳининг иштирок этганлиги вилоятимиз ёшлари орасида ўзига хос резонанс берган эди. Билимли, иқтидорли ёшларимизнинг салоҳиятини юксалтириш, улар ўртасида илм-фанга бўлган интилишни кучайтириш ҳам партиямизнинг электорати билан ишлашда ижобий самара беради.

**Зебо Неъматжонова, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони масъул ходими:** — Юқорида ҳамкасбим партиямиз ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатларга, самарали усул ва услубларга кенг тўхталди. Шу ўринда бу борада қилинган амалий ишлар ва бажарилиши зарур вазифаларни айтиб ўтмоқчиман. Партиямизнинг ҳудудий кенгашлари томонидан жойлардаги тарихий ёдгорликларни асраш ва қайта тиклаш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда Сирдарё вилояти Сардоба туманида жойлашган Сардоба тарихий ёдгорлиги ЎзМТДПнинг мазкур туман кенгаши ташаббуси билан қайта тикланганлиги, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Кўк Тўнли Ота Муссаиф Ғози зиёратгоҳи партиянинг туман кенгашига сайланган депутатлар саъй-ҳаракати билан ҳашар усулида қайта таъмирланганлиги, ЎзМТДПнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги еттита таъмирталаб тарихий обида ва зиёратгоҳлар, шунингдек Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги таъмирга муҳтож тарихий ёдгорликлар ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда қайта таъмирланганлиги бу фикримизга яққол мисол бўла олади. Хусусан, Сурхондарё вилоят кенгашидаги партия депутатлар гуруҳи томонидан буюк аллома Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ва диний-илмий мероси ёритилган рисола ҳамда вилоят паҳлавон аёллари ҳаёти ёритиб берилган китобларнинг нашрдан чиқишига ҳомийлик қилингани, вилоятдаги нуронийлар учун юртимизнинг тарихий масканларига саёҳатлар уюштирилаётгани ва бошқа шу каби ибратли ишларни эътироф этиш мумкин. Аммо, айни пайтда баъзи тарихий мерос объектларида муҳофаза белгилари ўрнатилмаганлиги, тарихий обидаларни номлашда чалкашликлар мавжудлиги, айрим ҳудудларда уларни давлат кадастрига киритилмаганлиги, ушбу тарихий обидаларни таъмирлаш ва муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ижро органлари ва тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари томонидан пайсалга солинаётганлиги сингари ечимини кутаётган талайгина муаммолар ҳам мавжудлигидан кўз юма олмаймиз. Бу эса ўз навбатида партия ташкилотлари олдига ҳал қилиниши керак бўлган қатор вазифаларни қўяди.

**Абдуқаюм Каримов, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати, партия депутатлар гуруҳи раҳбари:** — Дарҳақиқат, мазкур вазифалар партиядан вилоятдаги барча маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятининг асосини ташкил этади, десам янглишмайман. Вилоятда мавжуд кўҳна меъморий обидаларнинг таърифини изоҳлашга ҳожат йўқ. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида уларни қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ва муҳофаза қилишга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди. Бу ишлар самараси ўлароқ, сайёҳларнинг юртимизга қизиқиши ва сони тобора ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Чунки ҳали вилоятимизда ободонлаштирилиши керак бўлган бир қатор тарихий жойлар мавжуд. Жумладан, Самарқанд шаҳар Чўпонота мавзесидаги XV асрда бунёд этилган "Чўпонота" мақбараси ички ва ташқи таъмирга муҳтож. Давлат муҳофазасига киритилган тарихий масканлардан яна бири шаҳримизнинг "Қаландархона" маҳалласидаги собиқ мактаб ҳудудидан топилган эски қабр тошлари бўлиб, у ерни зиёратгоҳга айлантириш масаласини депутатларимиз илгари сурмоқдалар. Мана шу таъмирталаб обидалар қайта тикланиб, ободонлаштирилса, халқимизнинг севимли зиёратгоҳига айланиши, бу ерга нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам ташриф буюриши шубҳасиз. Бу эса халқимиз, айниқса ёшларимизга миллатимизнинг бой тарихидан, бунёдкорлик салоҳиятидан сабоқ беради, улар қалбида аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром туйғусини оширади. Энг муҳими эса, жонажон юртимизнинг меъморий ёдгорликларини асраш, уларнинг тарихий қиёфасини муҳофаза қилиш, кўҳна иншоотларни сақлаш ва реставрация қилиш борасидаги электоратимизнинг асл хоҳиш-истаги, мақсад ва манфаатларини амалда ифода этади. Шу ўринда, қилинган амалий ишлар қаторида вилоятдаги энг мўътабар масканлардан бири "Ҳазрати Ҳизр" мажмуасини янада обод қилишдаги партия аъзоларининг саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

**Зебо Неъматжонова:** — Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз электорат манфаатларини таъминлашдир. Фикримни давом эттириб шуни айтишим мумкинки, зиммасига халқ фаровонлигини оширишдек масъулиятли вазифани олган ҳар бир депутат кўп минг сонли электорат манфаатларини ҳимоялаш борасида муайян ишнигина бажариш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Аҳоли ўзи ишониб овоз берган вакилидан ўзини ўйлантираётган, қийнаётган муаммоларини ҳал этиб беришини кутади, албатта. Эътиборли жиҳати шундаки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мавжуд иқтисодий-ижтимоий муаммоларни чуқур таҳлил этган ҳолда уларни ҳал этишга қаратилган узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ҳар бир депутат ана шу дастурларни ўз ўрни, ўз ваколати доирасида амалга ошириш учун жавобгар эканлигини сезиб туриши муҳим жиҳатлардан бири эмасми? Депутатларимизнинг барчаси ҳам зиммасидаги мана шу масъулиятни чуқур ҳис этяпти деб айтолмаймиз. Баъзи ҳудудларда фуқароларнинг мурожаатларини бажаришга совуққонлик билан ёндашиш ҳоллари электорат ишончининг сусайишига олиб келмасмикан? Шахсан сиз партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, депутат сифатида бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?

**Абдуқаюм Каримов:** — Тўғри, бу каби камчиликлардан ҳоли бўлмаган партия ташкилотлари ва депутатларнинг орамизда учраши ачинарли ҳол. Бироқ, электоратнинг манфаатларини таъминлашга астойдил бел боғлаган ташаббускор етакчиларимиз, ноибларимиз фаолияти эса аҳолимизнинг моддий фаровонлиги, маънавий дунёсининг бойишига хизмат қилмоқда. Масалан, ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги партия депутатлар гуруҳи саъй-ҳаракати билан шаҳардаги қабристонларда дабдабали ёдгорликлар ўрнатиш ва ўзбошимчалик билан бўш ерларни эгаллаб олиш масаласи шаҳар кенгаши сессиясида кўриб чиқилгани жуда долзарб вазифа ва айни дамда партиявий мақсадларга ҳам мувофиқдир. Халқимизда ота-она, яқинларни тириклигида иззат-икром қилиш ва эъзозлаш, ҳолидан хабар олиш ва ўтганларидан сўнг ҳам унутиб юбормасдан, қабрларини зиёрат этиб туриш фарз саналади. Бу каби ибратли одатларни бугун уларга тамоман зид бўлган хунук ҳолатлар эгаллашининг авж олишига бефарқ қараб туриб бўлмайди. Ўтганларнинг руҳларини шод қилиш дегани, бу ортиқча дабдабалар билан қабрларини безаш дегани эмас. Ахир хоқ бўлган бандаларга айвону гумбаз не керак? Маънавияти саёз айрим кимсаларнинг бундай ишларни кучайтиришларга сабаб уларнинг "сендан мен камми?" қабилидаги қилмишларининг мутасадди ташкилотлар эътиборидан четда қолаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Албатта, бундай кимсаларнинг қабр тоши қўйишда кимўзарликка боришини ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Уларни бартараф этиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бордик. Депутатлар томонидан бу каби иллатнинг олдини олиш учун маҳаллалар фаолларидан иборат назорат гуруҳлари тузилди ва уларнинг мунтазам фаолият олиб бориши йўлга қўйилди.

**Ботир Норбоев**: — Сизлар таъкидлаб ўтган республикамизнинг турли вилоятларидаги партиямиз ташкилотлари томонидан электорат билан ишлаш бўйича амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари, хусусан партиямиз нашри орқали ўқиб, билиб мамнуният сезамиз. Аммо бундай фаолият қамровини янада кенгайтириш, илғор ҳаракатларни республика бўйича кенг ёйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги сайлов кампанияси тобора муҳим паллага кириб бораётган бир пайтда партия ташкилотларимиз, фикримча, яна бир муҳим жиҳатга эътиборларини кучайтиришлари даркор. Бу ҳам бўлса электорат, яъни сайловчилар билан самарали "изчил" алоқани йўлга қўйишдир. Бу дегани партиямиз томонидан ўтказилган тадбирлар ҳақида электорат вакилларининг фикри ўрганиб борилиши керак. Жумладан, тадбир ўтказилган жойга, яъни ўша аудиторияга партия ишига муносабат юзасидан яна қайта мурожаат қилиш ва уларнинг таклиф ҳамда фикрларини таҳлил қилишдир. Жамиятдаги ҳар қандай ҳолатга бир хил тавсия қилинадиган рецепт бўлмагани каби, амалга ошириладиган ҳар бир ишнинг самараси ҳам бир хил бўлавермайди. Шу боис, электорат билан изчил алоқани йўлга қўйиш бир томондан иш фаолиятимиз кўлами ва самарасини кучайтирса, иккинчи томондан электорат вакилларини партиямизга янада яқинлаштиради.

**Ражапбой Рўзметов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:** — Маълумки, миллий халқ ҳунармандчилиги мамлакатимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, қадриятларимиз ва анъаналаримизнинг қайта тикланиши ҳамда ривожланишига беқиёс даражада хизмат қилиб келмоқда. Ушбу соҳа вакиллари бўлган ҳунармандлар, халқ усталари ва касаначилар, шунингдек, рассомларни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам қўллаб-қувватлаши ва улар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар ётибди. Мазкур ижтимоий қатлам вакиллари партиянинг асосий электоратини ташкил этар экан, миллий халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, халқимиз айниқса, ёшлар орасида унга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш борасида партия ташкилотлари ҳамда партия фракцияси аъзолари томонидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Парламентда "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Маданий мерос бойликларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва олиб кирилиши ҳақидаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Архив иши тўғрисида" ги ва "Музейлар тўғрисида"ги каби Қонунларнинг қабул қилинишидаги фракция аъзоларининг саъй-ҳаракатлари ва улар ижроси юзасидан назорат-таҳлиллар шулар жумласидандир. Шунингдек, партия ташкилотлари билан узвий алоқада ва ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятимиз асосида партиянинг Фарғона, Наманган ва Бухоро вилоятлари кенгашлари томонидан жойларда турли йўналишларда фаолият юритаётган ҳунармандлар ва касаначиларнинг аҳолига сервис хизмати кўрсатиши бўйича бир қатор ишларни амалга оширганлигининг гувоҳи бўлдик. Биз депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам электорат муаммоларини ўрганиш, уларни ўйлантираётган ва фаолиятига тўсиқ бўлаётган масалаларни чуқур таҳлил қилиш ва унинг ечимини топишда қўл келмоқда. Жумладан, жойларда ҳунармандлар фаолиятини марказлашган ҳолда ташкил этиш учун "Ҳунармандлар маркази" ёки "Ҳунармандлар гузари" ни ташкил этиш ва уларни хомашё билан таъминлаш, ҳунармандлар учун имтиёзли, узоқ муддатли кредитлар ажратиш, унутилиб кетаётган ҳунар турларини сақлаб қолиш ва тиклаш учун маҳаллий бюджет томонидан грантлар ажратиш, маҳаллий шароитда ўстириладиган ёғоч хомашёлари ўрмон хўжаликлари томонидан ҳунармандларга имтиёзли нархда сотилишини таъминлаш, уста-шогирд мактабларининг самарали фаолият юритиши учун субсидиялар ажратиш каби партиямиз томонидан аниқ белгиланган мақсад-вазифалар, ўйлайманки, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш ҳамда миллий ўзлигимизни асрашга хизмат қилади.

**Латифжон Аҳмаджонов, Наманган шаҳридаги ипак ва ип матолари тўқиш билан шуғулланувчи ҳунарманд, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси:** — Бугунги давра суҳбати мавзуси ва кўтарилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар биз ҳунармандлар фаолиятига ҳам тааллуқли эканлиги менда катта таассурот уйғотмоқда. Шу ўринда мамнуният билан таъкидлашни истардимки, бу соҳанинг ривожланишида давлатимиз томонидан бизга берилаётган эътбор, имконият ва яратилаётган шарт-шароит туфайли эркин маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозорларда савдо қилиш имкониятига эга бўлдик. Биргина мисол тариқасида қадриятларимиз давомчилари бўлмиш ҳунармандларнинг солиқлардан озод қилингани бизга яратилган энг катта кўмакдир. Бундан ташқари, Президентимизнинг 1997 йилда қабул қилинган "Халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчиликни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ "Ҳунарманд" уюшмаси ташкил этилиб, халқ усталари ва ҳунармандлар жалб этилди. Уюшма бугунги кунда бизнинг ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳимоя қилиш, зарур хомашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни сотиш ва экспорт қилишга ёрдам бераяпти. Бироқ ҳаётимиз ва замон шиддат билан ривожланиб борар экан, олдимиздаги талаб ҳам ошиб ва ўзгариб бораверади. Бугун мамлакатимизда туризм соҳасининг ривожланаётганлиги, миллий маҳсулотларимизга хорижликларнинг қизиқиши ортаётганлиги ва маҳсулотларимизга аҳолининг кундалик эҳтиёжига айланиб бораётганлиги фаолиятимизни янада кенгайтиришни тақозо қиляпти. Бу борада биз биринчи галда банкларга ишимиз тушуши табиий. Аммо, мижозларга тушунчалар бериш ишларининг етарли йўлга қўйилмаганлиги, банкда банк ходимлари томонидан ишнинг ўз вақтида бажарилмай пайсалга солиниши ва тегишли назорат органлари томонидан текширувларнинг кўплиги интилишларимизнинг сусайишига олиб келиши мумкин. Ўз фаолиятимиздан келиб чиқиб, яна шуни айтишим мумкинки, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш жараёнида божхона тизими билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳудудимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, вилоят марказида миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ва савдосини амалга оширишга мўлжалланган жойнинг йўқлиги бизга қийинчилик туғдиради. Шунингдек, вилоятга ташриф буюраётган ва амалий санъат усталари фаолияти билан яқиндан танишиш истаги бўлган чет эллик сайёҳ ва меҳмонлар учун халқ усталари устахоналарига туристик маршрутлар ташкил этилса меҳнатимизга иштиёқимизни янада оширади деб ўйлайман. Мен истардимки, партиялар фақатгина сайлов кампанияси даврида эмас, ўз электорати билан доимий равишда алоқада бўлишса, биз партия фаоллари билан кўпроқ учрашишни, айниқса ўзимиз сайлаган депутатларимиздан бизни қийнаётган масалаларда яқиндан кўмак олишга доимо интиламиз. Шу ўринда соҳамизга қаратилган қонунлар ҳақида бизни кенгроқ бохабар қилиб боришса, ҳуқуқларимиздан тўлақонли фойдалана олсак, буни партиянинг ўз электорати манфаатларини таъмин этувчи амалий саъй-ҳаракати деб баҳолаш мумкин.

*Бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиялар қаторида Ўзбекистон "Миллий тикланиш"демократик партиясининг олдида ҳам муҳим вазифалар турибди. Ўз Дастурида аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган партиямиз уни амалга оширишга интилиши қанчалик табиий бўлса, сайловлар ана шундай фаолият самарасини кўрсатадиган восита ва синов эканлиги ҳам айни ҳақиқат.*

*Тадбир ўтказилган жойга, яъни ўша аудиторияга партия ишига муносабат юзасидан яна қайта мурожаат қилиш ва уларнинг таклиф ҳамда фикрларини таҳлил қилишдир. Жамиятдаги ҳар қандай ҳолатга бир хил тавсия қилинадиган рецепт бўлмагани каби, амалга ошириладиган ҳар бир ишнинг самараси ҳам бир хил бўлавермайди. Шу боис, электорат билан изчил алоқани йўлга қўйиш бир томондан иш фаолиятимиз кўлами ва самарасини кучайтирса, иккинчи томондан электорат вакилларини партиямизга янада яқинлаштиради.*

**"Milliy tiklanish" мухбирлари Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, Дилноза ҲАЙИТОВА, ёзиб олди**

## АНЪАНА

# Нукусда ёшлар форуми

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Улар номидан сўзга чиққан ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Р.Саидов ЎзМТДП ташкилотлари томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар юртимиз ёшларининг Ватан равнақи, миллат истиқболи йўлидаги ҳаракатларини жипслаштиришда катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди.

Форумда қорақалпоғистонлик ёш тадбиркорлар, ҳунармандлар томонидан яратилган маҳсулотларнинг намойиш этилиши унга янада шукуҳ ва файз олиб кирди. Боиси, ёшлар қўли билан ўзгача меҳр, иштиёқ ва завқ билан яратилган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини кўриб, ҳар бир кишида ҳавас уйғонди. Айниқса, Наригуль Нагметова, Айзода Нурумбетова тиккан либослар барчанинг таҳсинига сазовор бўлди. Ўзларининг истеъдод ва имкониятларини ишга солиб, юртимиз санъати, спортини дунёга танитаётган бир гуруҳ ёшлар партиянинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Улар орасида "Ниҳол" мукофотининг совриндорлари Ғайрат Бекчанов, Гулбар Абирова, самбо бўйича жаҳон чемпиони Азамат Турданов, карате бўйича жаҳон биринчилигининг кумуш медали соҳиби Алибек Ибрагимовлар ўрин олди. Биз форум давомида уларнинг бир гуруҳини суҳбатга чорладик:

**Хурсанд Хўжаев, ЎзМТДП Амударё туман кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари:** — Бугунги анжуман менда катта таассурот қолдирди. Муштарак мақсадли партиядош дўстларим билан ўзаро фикрлар алмашиш, янги режалар тузиш кишига қанот бағишлайди. Яна шунингдек, улар билан партиявий ишларга доир тажрибалар алмашишга имкон туғилгани ҳам форумнинг самарадорлигини оширишга олиб келди.

**Айтгуль Шамуратова, талаба**: — Бугунги форум орқали бизга ЎзМТДПнинг ёшлар борасида олиб бораётган ишлари ва партия "Ёшлар қаноти"нинг фаолияти билан янада чуқурроқ танишиш имкони туғилди. Ўқишни тамомлаб, меҳнат фаолиятимизни бошлаганимда ҳам партия сафида туриб олган кўникмаларим менга катта манба бўлиб хизмат қилади.

**Азамат Турданов, Самбо бўйича жаҳон чемпиони:** — Мен саккиз йилдан буён партия аъзосиман. Биз спортчиларда бўш вақтнинг ўзи деярли бўлмайди. Шундай бўлса ҳам машғулот ва мусобақаларнинг орасида вақт топиб, ўзимнинг партиядош дўстларим билан фикрлашиб туришга доимо ҳаракат қиламан. Масалан, бугун ҳам форум баҳонасида улар билан учрашиб,ўзаро тажрибалар алмашдик, фаолиятимиздаги ютуқ ва камчиликларни муҳокама этдик. Шу каби форумнинг афзаллик жиҳатлари кўп.

**Илья ДИЛМАНОВ, Рўзимбой МАТКАРИМОВ, "Milliy tiklanish" мухбирлари**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ТАЪЛИМ

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач жойларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йирик-йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди. Юзлаб маданий-маиший бинолар қад ростлади. Айниқса давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилаётган замонавий касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва академик лицейлар кўзни қувонтиради. Термиз шаҳрида бунёд этилган Термиз Давлат университетининг асосий биноси ана шундай иншоотлар жумласидандир.*

## Термиз кўрки

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**"Milliy tiklanish"мухбири**

Қисқа вақт ичида бунёд этилган гўзал ва муҳташам университет биносининг ҳовлисига кирган инсоннинг қалби ўзига хос завққа тўлади. Гул-гулзорга айлантирилган теварак-атроф, дид билан ўтқазилган мевали ва манзарали кўчатларнинг табиий кўриниши эса кишига олам-олам қувонч-шодликлар ҳадя этади. Одамлар уни кўриб Термизнинг кўрки, деб баҳо беришаётгани ҳам бежиз эмас. Мазкур бинода қурилиш ишларини Сурхондарё вилоятидаги энг кўзга кўринган корхоналардан бири "Сантехгазмонтаж" қурилиш корхонаси жамоаси амалга оширди. Мутахассисларнинг таъкидлашича мазкур қурилишда давлат томонидан 8,5 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланган.

- Сўнгги вақтларда Термиз Давлат университетида олиб борилаётган ишлар илм-фан аҳлининг диққатини тортмоқда. Дастлабки кунлардан бошлабоқ, халқаро миқёсда ўтаётган анжуманлар, давлат ва фан арбобларининг бу даргоҳга ташрифлари биз педагогларга катта масъулият юклайди. Муҳтарам Президентимизнинг университет жамоаси билан учрашувларида сурхондарёликларга қарата мен ҳамма вақт сизларнинг бахтли ва фаровон турмушларингиз учун, қадимий ва навқирон Термизни жанубнинг гўзал шаҳрига айлантиришда куч-қувватимни аямайман, деган гаплари ҳар бир инсон қалбини тўлқинлантириб юборади. Биз бу даъватга жавобан ҳозирги замон талаблари асосида ёшларни тарбиялашда, қолаверса уларга илм-фан сирларини ўргатиш учун интилиб яшаяпмиз,- дейди Халқаро педагогика фанлари ақадемиясининг академиги, педагогика фанлари доктори, профессор Бекмурод Қодиров.

Университетнинг янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишар эканмиз, барча таълим-тарбия ишлари таълим самарадорлигини оширишга қаратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Янги бинода тарих ва педагогика факультетлари жойлашган бўлиб, ўндан ортиқ кафедралар мавжуд. Бу ерда малакали педагог-кадрлар, фахрий академик, фан доктори ва профессорлар, шунингдек, етакчи фан номзодларининг маърузалари тингланмоқда ва шу билан бирга амалий машғулотлар ҳам кенг йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, университетда 506 нафар профессор-ўқитувчи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида амалга оширяптилар. Сурхондарё вилоятида ягона олий таълим муассасаси бўлган Термиз Давлат университети таркибида бугунги кунда 10 та факултет ва 42 та кафедра мавжуд. Университетда ўрта-махсус ва ўқув маслаҳат, минтақавий тил ўргатиш, ахборот технологиялари ҳамда ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари олийгоҳ қошида 3 та академик лицей мавжуд. Бакалавриатнинг 30 та таълим йўналишида 7866 нафар талаба, шу жумладан кундузги бўлимда 6868 нафар, махсус-сиртқи бўлимларида 998 нафар талаба, шунингдек, магистратуранинг 10 та мутахассислиги бўйича 121 нафар магистр ва 5 та аспирантура йўналишлари бўйича 13 нафар аспирант таълим олаяпти. Талабалар учун барча қулайликлар муҳайё. Уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун 22 та спорт ва 43 та илмий-ижодий тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалардан 4 нафари Истеъдод жамғармаси совриндори бўлиб хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтдилар. Айниқса, ахборот-ресурс марказида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Ахборот-ресурс маркази прфессор-ўқитувчилар ва талабалардан ташқари Термиз шаҳри зиёлиларига ҳам хизмат кўрсатаяпти.

Жорий йилда университетни давлат гранти асосида битирган 529 нафар, тўлов кантракт асосида битирган 940 нафар бакалавр илк иш фаолиятини бошлаб юборди: битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида шартномалар расмийлаштирилиб, ёш мутахассислар ўз иш ўринларига эга бўлдилар.

Маълумотларга кўра охирги уч йил давомида университетда профессор-ўқитувчилардан 4 нафари докторлик дисертацияларини ихтисослашган илмий кенгашларда муваффақиятли ҳимоя қилганлар. Профессор-ўқитувчилар томонидан 22 та ўқув қўлланмаси, 48 та монография, рисола ва брашура ҳамда 617 та мақола чоп этилди.

Термиз Давлат университетида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали ўқитувчилардан Халқаро педагогика фанлари академиясининг академиги, педагогика фанлари доктори, профессор Бекмурод Қодиров, тарих фанлари доктори, профессор Сайфулло Турсунов, фалсафа фанлари доктори, профессор Шомат Самадов, фалсафа фанлари номзоди Жалил Жумаев, тарих фанлари номзодлари Юсуф Валийзода ва Бекмурод Тиловов, биология фанлари доктори, профессор Шукур Хуррамов, тарих фанлари номзоди Тошкентбой Пардаев, техника фанлари номзоди Назокат Қодирова ва бошқалар ёш авлоднинг мукаммал таълим-тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Жамоа аҳил ва иноқ. Шу туфайли мазкур олий ўқув юртида йил сайин кўплаб ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, ҳар бир байрам ва улуғ саналар шоду хуррамлик билан нишонланади. Университет маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ишчи-ходимларга совға-салом улашиш ва байрам дастурхони ташкил қилиш одат тусига айланган.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

## Фуқаро мурожаати
### ва унинг қонуний асослари

*Ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи асосий шартларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндошганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт-шароитлар яратилганлигида намоён бўлади. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири бу давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларидир. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган.*

**Тилов АБДУЛЛАЕВ,**
**Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

Хусусан, мустақиллик йилларида фуқаролар мурожаатлари ҳимояси йўлида хизмат қиладиган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, 1994 йил 6 майдан амалда бўлиб, 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунлари каби норматив ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Мазкур қонун ҳужжатлари фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари" боби 35-моддасида: **"Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт"** деб белгиланган. Бу қоида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари барча ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбуриятини мустаҳкамлайди.

Фуқароларимизнинг бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятлари мамлакатимизда демократлаштириш жараёнининг чуқурлашиб боришида муҳим аҳамиятга эга. Ариза, таклиф, шикоят ва бошқа турдаги маълумотлар орқали ҳар бир фуқаро, бир томондан ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондиришни кўзда тутса, иккинчи томондан эса, у жамият ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни мутасадди ташкилотларга ўз вақтида билдириб туради. Шунинг учун ҳам фуқаролардан келаётган барча турдаги хатлар мутасадди ташкилотлар ва уларнинг ходимлари томонидан ўз вақтида қараб чиқилиши, ўрганилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунида** ариза, шикоят ва таклифларнинг мақсади, уларни давлат идораларига бериш тартиби, кўриб чиқиш тартиби, мурожаатларга эътиборсизлик билан қараганда жавобгарлик масалалари белгиланган. Бир сўз билан айтганда ушбу қонун фуқароларга ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга ёрдам беради.

Мазкур қонунга асосан, фуқаролар давлат идораларига оғзаки ёки ёзма шаклда ариза, шикоят ва таклиф билан мурожаат этишлари мумкин. Қонунда фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинган. Авваламбор мурожаатларнинг юқоридаги учта турини бир-биридан фарқлаб олиш керак.

**Ариза** бу - фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Қонунда белгиланишича, **шикоят** фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати.

**Таклиф** эса фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаати ҳисобланади.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги лозим. Мурожаатларда фуқаро ўзи ҳақида маълумотлар, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Агар фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни кўрсатмаса ёки сохта маълумотларни кўрсатса, шунингдек муаллиф имзоси қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг III-бобида фуқароларнинг мурожаатларини бериш ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Унга кўра фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади. Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Шунингдек, ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади ҳамда фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилади.

Қонуннинг 24-моддасида эса мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги белгиланган. Унга кўра фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, қонунда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари билан биргаликда, жавобгарлик масалалари ҳам ўз аксини топган. Яъни фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ва шикоят берганлиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41-моддаларига ҳамда Жиноят кодексининг 139, 140 ва 158-моддаларига асосан белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Бундан ташқари, била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш керакки, фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланиши бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар мурожаатларига оид миллий қонунчилигимиз фуқароларнинг ихтиёрийлик асосида ҳар қандай давлат органига мурожаат этиш ҳуқуқларини кафолатлайди ҳамда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишларини таъминлайди.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Қонуннинг устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, энг муҳим шарти ҳисобланади".

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари" боби 35-моддасида:* **"Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт"** *деб белгиланган.*

ҚОНУН ВА ИЖРО

## Мерос ҳуқуқи

*Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш нотариал ҳаракатини фақат давлат нотариал идоралари нотариуслари амалга ошириши белгиланган. Хоразм вилоятида 15 та давлат нотариал идораси мавжуд бўлиб, уларда 24 нафар нотариуслар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу нотариал идораларнинг барчасида мерос ишлари расмийлаштирилмоқда. Масалан, ўтган йил вилоятдаги давлат нотариал идораларида 71 мингтадан зиёд нотариал ҳаракатлар амалга оширилган бўлиб, шундан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳномалар сони 863 тани ташкил этди.*

**Илхом ТЎРАЕВ,**
**Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**
**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**
**журналист**

Фуқаролар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олишлари учун давлат нотариал идораларига ёзма ариза билан мурожаат этишлари лозим. Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)га тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрлар)га ўтиши ворислик ҳисобланади. Фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини вафот этгандан сўнг ҳал қилувчи фармойишни ўзи тириклигида қонунда белгиланган тартибда васиятнома билан расмийлаштиради.

Ворислик васият бўлмаган ҳолларда қонун бўйича мерос гувоҳномаси бериш амалга оширилади. Нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтгандан кейин берилади.

Мерос гувоҳномасини олиш учун нотариусга меросхўрларнинг аризалари, вафот этган шахснинг ўлим гувоҳномаси, меросхўрларнинг вафот этган шахс билан қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси, суднинг қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳал қилув қарори), ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ҳамда яшаш жойидан маълумотнома топширади.

Меросни қабул қилиб олувчи фуқаро яшаш жойидан маълумотнома олиш вақтида ушбу ҳужжатда вафот этган фуқаронинг охирги яшаб турган ва вафот этган жойи аниқ кўрсатилиши шарт. Шунингдек, маълумотномани олаётган шахсдан ташқари вафот этган фуқаронинг бошқа меросхўрлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ҳам ҳужжат талаб этилади.

Фуқаро Д.Отабоев 2008 йилда вафот этиб, унинг ягона меросхўри О.Отабоев қолади. Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан биринчи навбатдаги меросхўр ўғилга отасидан қолган мулк учун меросга бўлган ҳуқуқ гувоҳномаси берилади. Чунки унинг онаси О.Манглиева турмуш ўртоғидан анча илгари 1975 йилда вафот этган.

Меросхўрлар таркиби кўп бўлган тақдирда мулк тенг ҳиссада бўлинади. Масалан, М.Раҳимов 1990 йилда вафот этади, турмуш ўртоғи Д.Акромова ва 6 нафар фарзандларига мерос мулкини расмийлаштириш лозим. Бу ҳолатда Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотин мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Марҳумнинг бевасига уй-жойнинг иккидан бир қисмига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома, мерос мулкининг қолган ярмига эса Д.Акромова ва 6 нафар фарзандларнинг тенг ҳиссада, яъни еттидан бир қисмига меросхўр деб топилади.

2003 йилда вафот этган П.Мадримовдан ҳовли-жой қолган. Турмуш ўртоғи ҳам сал илгари оламдан кўз юмган. Уларнинг 8 нафар фарзанди ҳам биринчи навбатдаги меросхўр деб топилиб, ҳар бирига мол-мулкнинг саккиздан бир қисмига тенг ҳиссада белгиланди.

Агар вафот этган фуқародан автомашина мерос қолган бўлса, автотеххизмат кўрсатиш бюросининг хулосаси давлат нотариал идорасига тақдим этилади. Агар вафот этган фуқародан акция мерос қолган бўлса, вафот этган фуқаронинг иш жойидан акциянинг мавжудлиги, ҳар бир акциянинг номинал суммаси, жами неча сўмлик акция мавжудлиги ҳақида маълумотнома, омонат кассаларида жамғарма пуллари қолган бўлса, омонат дафтарчасининг асл нусхасини нотариусга тақдим қилиниши лозим.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома ворисларнинг хоҳишларига кўра, ҳаммаларига битта ёки ҳар бир вориснинг ҳиссасига қараб, алоҳида-алоҳида берилиши мумкин. Меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани олиш учун нотариусга мурожаат этмаган бўлса, унинг ҳиссаси очиқ қолдирилади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома фақатгина суднинг қарори билан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Мерос гувоҳномасини расмийлаштиришда биринчи навбатдаги меросхўрлар мерос мулкнинг умумий суммасидан 0,3 фоиз, иккинчи навбатдаги меросхўрлар мерос мулкнинг умумий суммасидан 1 фоиз, қолган меросхўрлар эса мерос мулкнинг умумий суммасидан 2 фоиз миқдорида давлат божи тўлайдилар. Бу тўловлар нотариус томонидан ундирилади. Қонун ва васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар уй-жойга берилса, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан, автомашинага берилса, ИИБ ТРИБдан рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Агар мерос масаласи бўйича тортишув, баҳс ва низолар келиб чиқадиган бўлса, бу масала фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

# МАЪНАВИЯТ

## МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА ЕЧИМ

# Ташқи реклама

## юртимизда қандай тартибда олиб борилмоқда? Аҳоли унинг маънавий, молиявий томонларидан қанчалик хабардор?

**Муқаддима**

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда реклама хизмати тобора ривожланмоқда. ОАВ, нашрий адабиётлар орқали эълон қилинаётган турли хизматлар, гастрол-концерт, кино ва видео, ижтимоий муҳофаза ҳамда огоҳликка даъват этувчи рекламалар шулар жумласидан. Ҳозир кўча телевизорлари, турли афишалар, ҳатто кўп қаватли уйларда, умуман аҳоли гавжум жойлар борки, рекламани учратиш мумкин. Мамлакатимизда бундай ташқи рекламанинг илк кўринишлари 1993 йилда пайдо бўлиб, ўтган 15 йил соҳа учун синов ва шаклланиш даври бўлди. Натижада рекламанинг сифати, самарадорлиги ошиши баробарида фуқароларнинг рекламага муносабати ҳам ўзгармоқда. Бу эса соҳада ҳақиқий рақобат муҳитини яратди, аммо айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаргани бор гап.*

Юртимизда 1993-1998 йилларда рекламага талаб юқори бўлмагани туфайли "Анта сервис", "Мергинал", "Орият", "Фаворит" сингари саноқли компанияларгина ташқи рекламани жойлаштириш билан шуғулланган. 1998-2006 йилларда Тошкент шаҳрида ташқи реклама воситаларига рухсат бериш Тошкент халқаро бизнес марказига қарашли "Реклама сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилди ва мазкур бизнес маркази ҳам ўз навбатида реклама жойлаштириш билан шуғулланган. 2006 йилдан бошлаб Монополияга қарши давлат органи кўрсатмасига асосан пойтахтда ташқи реклама хизматини янада яхшилаш мақсадида "Тошкент Реклама Сервис" Давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, рекламаларни жойлаштиришнинг аниқ тартиби ишлаб чиқилди ҳамда рақобат муҳитини ҳисобга олган ҳолда 3 та зоналарга табақалаштирилган тарифлари тасдиқланди.

**1993 йил 2008 йил (1-чорак) ташқи реклама жойлаштириш соҳасида рақобатни босқичма-босқич ривожлантириш орқали эришилган натижалар**

| Давр | Реклама агентлари сони | Реклама воситалари сони | Шундан: | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ижтимоий рекламалар | Чет эл ва қўшма корхоналар маҳсулотлари рекламалари | Маҳаллий корхонлар маҳсулотлари рекламалари |
| 1993й. | 4 | 14 | - | 14 | - |
| 1998й. | 17 | 228 | 22 | 127 | 79 |
| 2006й. | 71 | 1491 | 149 | 805 | 517 |
| 2008й. | 176 | 3129 | 1032 | 970 | 1127 |

**Тўй бўлса, таъмирлаш бор**

"Тошкент Реклама Сервис" Давлат унитар корхонаси раҳбари Алишер Исақовнинг берган маълумотига кўра, бугунги кунда Тошкент шаҳрида ташқи реклама воситаларини ишлаб чиқариш ва жойлаштириш билан 200 дан ортиқ турли реклама агентликлари шуғулланиб, шаҳар ҳудудида мавжуд қарийб 5 мингта ташқи реклама воситалари ҳам ушбу агентликлар мулкидир.

- Агар муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама ҳисобланмайди ва бунинг учун "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, яъни Комиссиянинг рухсати талаб этилмайди, - дейди биз билан суҳбатда Алишер Исақов. – Бироқ, кўп ҳолларда бундай "пешлавҳа" ва биноларга ўрнатилган бошқа воситалар, уларнинг кўриниши ва ҳажмлари, матн ва умумий мазмуни реклама маҳсулотининг эгаси ҳамда уларни тайёрлаб берувчиларнинг билим даражаси, дидига боғлиқ бўлиб қолган. Бугунги кунгача ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрида 2000 га яқин ўзбошимчалик билан ўрнатилган ноқонуний реклама ва ахборот воситалари олдириб ташланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Ҳозирги кунда реклама хизматлари орасида кўп қаватли уй-жойлар пештоқи ёки томига турли маҳсулотларни жойлаштириш анча урфга кирмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойлар, бозорлар атрофи, шаҳар марказига бориш йўлларида қад ростлаган асосан баланд биноларда турли рекламалар жой олмоқда. Бу бир жиҳатдан яхши. Чунки ҳар қандай янги ва яхши рангли рекламалар уй-жойларнинг ташқи кўринишини янада безайди, чиройини очади. Рекламадан топилган даромад эса шу "дом"нинг моддий эҳтиёжи учун сарфланади.

Хўш, ҳақиқатан шундайми? Уй-жойларга ўрнатилаётган рекламалар қандай ва кимлар томонидан тузилади? Бу аҳоли учун қанчалик фойда келтираяпти? Соҳадаги қонунчиликдан аҳоли қанчалик хабардор? Умуман, маҳсулотларни реклама қилишда уй-жойлардан фойдаланиш тобора ривожланиб бораётган бир пайтда мазкур масалалар қандай ҳал этилмоқда? Биз шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида турли соҳа мутахассислари билан суҳбатда бўлдик.

Сиз суратда кўриб турган мазкур кўп қаватли уйда жойлаштирилган реклама Тошкент шаҳар Яккасарой туман Қушбеги мавзесидаги 2-уйга ўрнатилган. Маълум бўлишича, бу маҳсулот қарийб бир йилдан буён турган бўлса-да, маҳаллий аҳоли унинг ҳуқуқий ва молиявий масалаларидан бехабар эканлигини айтишди.

**- Уйнинг фасад қисмига жойлаштирилган рекламадан хабардормисиз?**

- Шу хонадонда 20 йилдан буён яшайман,- дейди Робия Аҳмедбекова. - Ўрнатилган реклама тўғрисида биз билан ҳеч ким маслаҳатлашгани йўқ. Боз устига бирон марта йўлакни рекламадан тушган пул эвазига таъмирлангани ёки турли хил солиқларни тўлашга ёрдам кўрсатилганини билмайман.

**Туйғун Авазов, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани "Макон коммунал" уй-жой мулкдорлар ширкати директори:** - Сиз айтган мазкур рекламани ўрнатганимизга ҳақиқатан бир йил бўлди. Ундан тушган даромадни уйнинг томи, йўлакларни таъмирлашга ишлатаяпмиз. Бундан ташқари аҳолига ёрдам бўлиши учун турли солиқлар, коммунал тўловлар ва ширкат ишчиларига ойлик тўлаяпмиз.

**- "Реклама тўғрисидаги Низом"га асосан ташқи реклама ўрнатиш маҳаллий давлат ҳокимияти ихтиёрига ўтказилган ва бу жараёнда реклама берувчилар бевосита сизга мурожаат қилишади. Сиз эса мазкур уйда истиқомат қилаётган аҳолининг камида 50 фоизининг розилиги билан реклама ўрнатишингиз лозим. Шундайми?**

- Ҳеч қандай йиғилиш ўтказганимиз йўқ. Чунки ташқи фасадларга аҳоли эмас, унга фақат биз жавобгармиз!

**Олимжон ЎСАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:** - Ўзбекистон Республикаси "Реклама тўғрисида"ги Қонунига кўра, уй-жойлар пештоқига рекламаларни жойлаштириш мумкин. Бироқ бу ҳар бир ташкилот ўз маҳсулотини хоҳлаганича ва ҳеч қандай ташкилот рухсатисиз реклама қилиши мумкин, дегани эмас. Бунда энг аввало кўп қаватли уй-жой ширкат раҳбари шу ерда истиқомат қилувчи аҳоли иштирокида йиғилиш ўтказиб, фуқароларнинг розилиги асосида баённома қабул қилиши ва нархи (ҳар бир кв. метрга кўра)ни чиқариши лозим. Рекламадан топилган даромад эса шу уйнинг таъмири, ободончилиги учун сарфланиши керак. Бу масаланинг иқтисодий томони.

Бироқ бундай ташқи рекламаларнинг маънавий жиҳатлари ҳам бор. Маълумки, кўчаларда ўрнатилган аксарият рекламаларни маънавиятимиз, миллий менталитетимизга мос деб бўлмайди. Бундан ташқари ҳозир кўп жойларда ҳар хил ичимликлар, дейлик, пивонинг рекламасига кўзимиз тушади. Сал нарироқда эса худди шу маҳсулотларни сотадиган дўконлар бор. Бу эса ёшларни харидоргирликка ундаб, охир-оқибат ёш авлод маънавияти ва соғлигига таъсир этади.

Одатда, ҳар бир кўп қаватли уйлар қурилиш архитектураси, тегишли ҳисоб-китоблар, аниқ ўлчамлар асосида қурилади. Аммо айрим уй-жойлар пештоқига 5-10 тоннадан иборат металли рекламалар жойлаштирилади, қозиқлар қоқилади. Бу эса уйлар конструкциясига зид бўлиб, фавқулотда ҳолатларда, масалан, зилзила, кучли довул шароитида мазкур кўп қаватли уйга ҳамда унда истиқомат қилувчилар ҳаётига жиддий зарар етказиши мумкин. Айтмоқчиманки, ташқи реклама ўрнатилаётганда, албатта архитектура талабларига жиддий риоя этилиши, тегишли ташкилотларнинг хулосалари керак бўлади. Мавдири келганда ўтган йили Москва шаҳрида содир бўлган воқеани эслатиш жоиз. Шаҳар маъмурияти пойтахтдаги диққатга сазовор жойларнинг бирида реклама шитини ўрнатишга рухсат беради ва реклама агентлиги ходимлари ерга махсус транспорт ёрдамида катта қозиқ қоқа бошлайди. Шунда бир неча метрли темир қозиқ бирдан ерга кириб кетади. Маълум бўлишича, ер остида метро йўли ўтган экан. Агар ўшанда метро бошқарувчиси ҳушёр бўлмаганида улкан темир қозиқ нафақат поезд, балки ўнлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши ҳеч гап эмасди.

Ташқи рекламалар сирасига чорраҳаларда ўрнатилаётган кўча телевизорларини ҳам киритиш мумкин. Биз яқинда Бухоро ва Сурхондарёда бўлганимизда, у ердаги ҳайдовчилар, ДАН ходимлари бундай матоҳлар чорраҳалар олдида кучли ёруғлик тарқатаётгани туфайли одамларни чалғитиб, оқибатда нохуш ҳолатлар юз бераётганини айтишган.

**Ҳаммаям пиво ичмайди**

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати – бу рекламалар шаҳар ва маҳаллаларнинг умумий қиёфаси, кўринишига таъсир қилаётганидир. Ҳозир пойтахт ва бошқа шаҳарлар марказларида хотин-қизларнинг «қишки ва ёзги» кийимлари рекламаси тез-тез кўзга ташланмоқда. Рекламадаги аёлнинг чет эллик эканлиги шундоқ-қина кўриниб турибди. Бундан 1-2 ойлар аввал Тошкентдаги 3-туғруқхона олдида «Дизи» пивосининг рекламаси турарди. Унда битта йигит, икки ёнида икки нафар қиз ва пастида шундай сўзлар ёзилган: «Биттаси доимо кам». Хўш, бу нима дегани? Рекламани биринчи маротаба кўрганда аввало пиво эмас, икки тарафдаги қизларга кўз тушади ва энг даҳшатлиси, қўшхотинлиликни реклама қилаяптими, деган хаёлга ҳам бориш мумкин. Мана сизга «оммавий маданият»нинг бир кўриниши! Яхшиям, тегишли ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан бунга чек қўйилди. Бу энг аввало "Реклама тўғрисида"ги Қонунни қайта кўриб чиқиш лозимлигини англатади. Таклифим, мазкур қонунни бузганларга нисбатан қатъий чоралар белгиланиши керак. Тўғри, ҳозир мазкур қонунбузарлик учун арзимаган жарималар белгиланган. Аммо бу етарли эмас. Ўйлайманки, ЎзМТДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ушбу қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳасини тайёрлаб тақдим этади.

- Жорий йилда рекламалар бўйича 575 та мониторинг ўтказилди, шундан 333 ҳолатда тасодифий қонун бузилишлар кузатилган бўлса, 118 ҳолатда эса алкогол маҳсулотлари қонунга хилоф равишда реклама қилингани аниқланди,- дейди Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи **Олим НАЗАРОВ**. - Масалан, бир-икки ой илгари Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларида "Монополная игра начинается", "Столетов лимонад номер 1" кўринишидаги яширин рекламалар пайдо бўлганди. Ўз вақтида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида бу каби рекламалар олдириб ташланди.

Реклама маҳсулот ёки хизмат ҳақидаги оддий хабар эмас, балки истеъмолчида илиқ таассурот уйғотадиган ўзига хос товардир. 1998 йилги «Реклама тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ хизматга доир маълумотлар аниқ акс этиши, истеъмолчига зарар етказмаслиги лозим. Реклама нафақат маҳсулотни тарғиб қилувчи восита, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларни намойиш этувчи, аҳолига маълум маънода ахборот берувчи, инсоннинг руҳий ҳолатига тез таъсир этувчи, она тилимиз имкониятларини ўзида акс эттирувчи тезкор омил саналади. Тўғри, бугун ҳар томонлама мукаммал ишланган рекламалар кўпайган, лекин ўзбек тили қонун-қоидаларига нисбатан бефарқ ва беписанд муносабатда бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, шаҳарларимиз кўчалари, турли майдонлар, муассаса, ташкилотлар бинолари пештоқларида осилган рекламалардаги матнлар услубий ва имловий хатолар билан ёзилаётганлигига эътибор қаратайлик. Биринчидан, уларнинг кўпчилигида танланган расм ва ранглар эътиборни тортмайди, ёзувлари ҳам кўринарли эмас. Масалан, «табиий» сўзи йирик ҳарфлар билан «Табий» деб нотўғри ёзилади, «х» ва «ҳ», «ни» билан «нинг» ёки "ў" билан "у" ҳарфларининг фарқланмаслиги кўп учрамоқда. Хўш, бу ерда реклама берувчи, уни тайёрловчи, тарқатувчилар қаерга қарашаяпти?

Мутахассисларнинг фикрича, рекламанинг маънавий-маърифий жиҳатларига эътиборни кучайтириш лозим. Бунинг учун рекламани тайёрловчи гуруҳ таркибига мутахассис-тилшунослар ҳам жалб этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мавжуд камчилик ва муаммолар ҳақида гап кетганда сансалорлик қилмай, айбни бошқаларга ағдаришга уринмай, мутахассислар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда она тилимиз нуфузи учун қайғуришимиз лозим бўлади.

**Бошқа тил, айнан қайсиси?**

**Бахшилло ХОДЖАЕВ, олим:** - Реклама қонунчилиги реклама берувчининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ҳамда истеъмолчилар манфаатларини кўзлаган ҳолда реклама ахборотини нафақат ўзбек тилида, балки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда ҳам тарқатилиши мумкинлигини назарда тутган. Давлатимизнинг реклама қонунчилиги реклама берувчига ўз маҳсулотини бошқа тилларда ҳам реклама қилиш ҳуқуқини беради. Бу билан миллий қонунчилигимизда реклама тилига нисбатан қўйилган тўсиқ олиб ташланганлиги ижобий ҳолат, бироқ рекламанинг "бошқа тиллари"га айнан қайси тиллар кириши қонунда аниқ санаб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Одатда, бундай талабнинг мавжуд эмаслиги рекламанинг сифатли тузилишига оид "аниқлик"нинг бузилишига олиб келиши, яъни рекламанинг истеъмолчилар учун бемалол фойдалана олишга яроқсиз ҳолатга келишига шароит яратиши мумкин. Бу борада, фикримизча, рекламанинг ўзбек тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда белгилаш лозим.

Ҳозир таклифлар сони кундан-кунга ошиб бораётган бир пайтда ўзингиз мустақил равишда сифатли, арзон, соғлиқ учун фойдали маҳсулотни топиб кўринг-чи. Бу ерда ҳаққонийлик муҳим. Негаки, ҳамма реклама тайёрловчилар ҳам пул учун янги брендни «дунёга келтирар экан» ҳақиқатни охиригача гапиришни маъқул топавермайдилар. Бугунги кунда реклама ахборотларида ишлатиладиган "энг....", "энг юқори сифатли", "энг паст нархларда", "фақатгина ....", "фақатгина реклама берувчида тўлиқ ҳолда" каби иборалар энг аввало ўзга шахснинг маҳсулотини бадном этувчи ахборот сифатида қаралиши турган гап. Бундай ҳолатда миллий қонунчилигимиз мазкур ахборотларга нисбатан "ишончлилик" талабини белгилаб қўйган бўлиб, унга кўра тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолларда-гина мазкур ибораларнинг реклама ахборотида қўллашга рухсат берилиши мумкин.

**Адиба Ҳамро қизи, тадқиқотчи:** - Реклама соҳаси бизда эндиэнди ривожланмоқда. Ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган ишлар, талайгина. Оддий мисол. Йўллар чеккасидаги овқатланадиган жойлар пештоқида «Ошхонамизга марҳамат», деган ёзувларга кўзимиз тушади. Хўш, бу рекламами ёки маълумот? Айнан "марҳамат" сўзи орқали маълум қилинаётган экан, бу ҳам реклама. Савол туғилади: бунинг учун мазкур ташкилот белгиланган реклама пулини тўлаяптими йўқми? Тўғри, аслида бу алоҳида мавзу, аммо бу каби ҳолатлар баҳсли мавзуларга айланиб бормоқда.

Рекламанинг асосий талабларидан бири – бу аниқлик. Реклама тузилишидаги "аниқлик" деганда реклама ахборотининг махсус маълумотсиз ёки техник воситаларни қўлламай туриб тушунилиши, яъни рекламани намойиш этиш вақтида унинг шакли ёки тарқатиш учун қўлланиладиган воситаларидан қатъи назар, оддий тарзда англаниши тушунилади. Яна бир муҳим жиҳат – бу ишончлилик. Рекламадаги "ишончлилик" талаби реклама ахборотининг асосланган далиллар билан тасдиқланган бўлишини тақозо этади.

**Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ, талаба:** - Реклама бозоридаги рақобат кучлилиги натижасида унинг турли кўринишлари яратилмоқда. Масалан, АҚШнинг CBC телеканали ўз дастурларини реклама қилишнинг антиқа усулини ўйлаб топди. Мазкур телеканал тухум сотиш билан шуғулланувчи "Egg Fusion" компанияси билан шартнома имзолаб, энди ҳар бир тухумга ТВ дастурлари тартибини ёзадиган бўлди.

Реклама тараққиётни белгиловчи мезон, ахборот тарқатиш, савдо маданиятини ўргатиб, бозор иштирокчиларини доимо ахборот билан таъминлаб туради. Улар маҳсулотни танлашда ёрдам бериш билан бирга руҳий ҳолатимиз, нутқ маданиятимизни оширишга ҳам таъсир қилади. Ҳар жиҳатдан мукаммал, безакли, бежирим, адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда тайёрланган рекламалар инсон руҳиятига нафақат тез таъсир этади, керак бўлса, ҳордиқ чиқаришига ёрдам беради. Мамлакатимизда реклама бозори тобора ривожланиб, турли йўналиш ва кўринишларга эга бўлиб бораётган экан, миллий рекламаларни яратиш ва тарғиб этиш вақти етганлигини англатади. Бунда хориждан шундоқ-қина кўчирилаётган рекламалар ўрнига юртимиз рамзлари – бетакрор табиат манзаралари, нуроний отахонларимиз, ўзига хос бозорларимиздан фойдаланиш мумкин.

Ҳар бир иш қонун доирасида бўлгани маъқул. Бугунги тараққиёт замонида илдам ҳаракатланаётган рекламани аҳоли манфаати, юрт истиқболи учун хизмат қилинишини таъминлаш энг муҳим масала. Бунинг учун нафақат реклама берувчи, уни тайёрловчи ва тарқатувчилар, балки шу ҳудудда истиқомат қилувчилар ҳам қизиқиши, ўз ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиши зарур. Зеро, реклама қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар у халқ мулкидир.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбирлари**

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашининг 2006 йил 7 июлдаги №84/3-9-сонли сессияси қарорига асосан тасдиқланган таърифлар тақсимоти.**

| № | Реклама воситаларининг турлари бўйича ҳисоблаш бирликлари | 1 ойлик тариф (сўм) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | I Зона | | II Зона | | III Зона | |
| | | Чет эл ва қўшма корхона, уларнинг маҳсулотлари | Маҳаллий корхона ва уларнинг маҳсулотлари | Чет эл ва қўшма корхона, уларнинг маҳсулотлари | Маҳаллий корхона ва уларнинг маҳсулотлари | Чет эл ва қўшма корхона, уларнинг маҳсулотлари | Маҳаллий корхона ва уларнинг маҳсулотлари |
| 1 | Алоҳида турадиган тўсиқли қурилмалар, 1 кв.м | 12 000 | 5 000 | 8 000 | 3 300 | 5 000 | 2 100 |
| 2 | Бинонинг ён қисмига осиладиган қурилмалар (Брендмаузр паннолар) 1кв.м | 12 000 | 5 000 | 8 000 | 3 300 | 5 000 | 2 100 |
| 3 | Йўл ёқасида ва йўл қатнови қисмининг тепасида осиладиган тортиб боғловчи ускуналар, 1кв.м | 12 000 | 5 000 | 8 000 | 3 300 | 5 000 | 2 100 |
| 4 | Бинолар томига ўрнатиладиган қурилмалар, 1 кв.м. | 12 000 | 5 000 | 8 000 | 3 300 | 5 000 | 2 100 |
| 5. | Ҳажмли реклама кўринишдаги қурилмалар, 1 донаси | 200 000 | 84 000 | 120 000 | 51 000 | 70 000 | 30 000 |

- *Биринчи зонада ташқи реклама воситаси эгаларига бир йил давомида, тижорат рекламалари жойлаштирилмаган вақти учун жами 40 кунлик тўловсиз муддатдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.*
- *«Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот».*
- *"Реклама" сўзи лотинча "reklamare" сўзидан олинган бўлиб, "чақирмоқ", "жар солмоқ", "хабар бермоқ" маъноларини англатади. Бунга сабаб қадимги Греция ва Римда бозор майдонлари ва аҳоли тўпланадиган жойларда эълон ва ахборотлар баланд ва чақириқли овозларда ўқилган.*
- *Ташқи реклама дейилганда алоҳида махсус конструкциялар, тахталавҳалар, экранлар, бино ва иншоотлар, йўл чеккаларида, кўча ёритгичларининг таянчлари ва ҳоказоларда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг рухсати орқали жойлаштириладиган реклама ахборотлари тушунилади.*

# ЖАРАЁН

АКС-САДО

*Газетанинг ўтган 2009 йил 30 сентябрдаги 38-сонида "Контрафакт: тайёрга айёрлар" сарлавҳали мақола эълон қилингач, таҳририятга кўплаб хатлар келди, қўнғироқлар бўлди. Унда газетхонлар мавзу юзасидан ўз мулоҳазалари, муносабатларини билдиришди. Мавзунинг долзарблиги, ноқонуний дисклар савдосидан кўпчилик жабр чекаётгани, уни бартараф этиш олдимизда турган муҳим вазифа эканлигини инобатга олиб, эътиборингизга турли соҳа мутахассисларининг фикрларини ҳавола этаяпмиз.*

## Танганинг икки томони

***"Ўзим рассомман. Шу боис ижоднинг сермашаққат ва айни дамда жозибали эканлигини яхши биламан. Муаллифнинг орзу ва армонлари сингган асарларни қалбакилаштираётганлар эса санъат ва гўзалликни қадрламайдиган шахслардир. Биласизми, ҳар бир нарса табиийлигида гўзал. Атиргулнинг сунъийсида ифор ва тароват бўлмаганидек, аслликдан йироқ ҳар бир асар томошабин вақтини ўғирлайди. Бу эса нафақат ўғирлик, балки жиноят ҳамдир.***

***Менга "Миллий тикланиш" газетасида чоп этилган "Контрафакт: тайёрга айёрлар" номли мақола манзур бўлди. Танганинг икки томони бўлганидек, мақолада муаммонинг ҳам моддий, ҳам маънавий зарари ёритиб берилган. Ундан юқоридаги хулосаларга келиш билан бирга, муаллифлик ҳуқуқи, истеъмолчи манфаатлари каби мен учун керакли бўлган маълумотларни ҳам олдим...***

**Лазизбек ЁДГОРОВ,**
**Тошкент шаҳри".**

**Умарбек Ҳакимов, Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими бошлиғи:**

- Ноқонуний дисклар савдоси ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, сотиб олинаётган товар сифатли бўлиши шартлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Харидор маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойи, фирмаси, умуман унинг таркиби билан қизиқишига ҳаққи бор. Шу боис ҳам мижоз сотиб олинаётган маҳсулотнинг мувофиқлик сертификатини талаб қилиши лозим. Мувофиқлик сертификатида амал қилиш муддати, унинг қайси мақсадда берилгани, яъни маҳсулот тури, дейлик биз харид қилаётган маҳсулот чангютгич бўлса, унинг қайси русумда эканлиги, қаерда ишлаб чиқарилгани ва бошқа у ҳақдаги керакли маълумотлар мавжуд бўлади. Бунга нафақат диск олаётганда, балки барча маҳсулотларни харид қилиш жараёнида ҳам амал қилиш даркор. Чув тушиб қолаётган ёки сифатсиз маҳсулот харид қилаётганларнинг кўпчилиги ана шу қоидаларга риоя этмайди. Ёки ўз ҳуқуқларини яхши билмайди...

Бизнинг ҳудудий бошқармамиз томонидан "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ижросига мувофиқ жабрланувчиларнинг аризалари кўриб чиқилади. Кўриб чиқилган аризалар тўғри деб топилса, етказилган зарар унинг фойдасига ундириб берилади. Масалан, яқинда Ҳамза туманида яшовчи бир фуқаро томонидан ариза келиб тушган. У савдо дўконидан 165000 сўмга музлатгич сотиб олган, бироқ маҳсулотнинг кафолат муддати давомида маълум носозликлар келиб чиққан. Бу ҳолатда ҳам маҳсулот сифатсиз деб топилиб, истеъмолчи манфаати ҳимоя қилинди.

Муҳими, истеъмолчи кўнгилсиз жараёнлар келиб чиқишининг олдини олиши керак. Бунинг учун ҳар бир киши ҳуқуқ ва бурчларини билиши зарур. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда эса журналистлар, маънавият тарғиботчиларининг роли катта.

**- Оммавий ахборот воситалари орқали "Чек олишни унутманг!" каби бир қатор маслаҳатларга дуч келамиз...**

-Тўппа тўғри. Маҳсулот харид қилингандан сўнг чек берилмаслиги ҳам қонунчилигимизда белгиланган истеъмолчи ҳуқуқининг бузилишига олиб келади. Ҳар қандай маҳсулотга чек берилиши шарт. Агар маълум сабабларга кўра касса аппарати ишламаса, ушбу жараёнда сотувчи квитанция ёзиб беради...

**МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ**

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига барҳам бериш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, нақд пул тушумини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, ҳамон турли жанрдаги кинофильмлар, концертлар ёзилган дискларни ноқонуний импорт қилиш, муаллиф рухсатисиз нусха кўчириб, уларни шаҳримиздаги турли аҳоли гавжум бўлган жойларда, савдо расталарида, бозорларда ва бошқа жойларда сотиш ҳоллари учрамоқда.

Хусусан, жорий йилда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирда С.Содиқов дўкон сотувчиси билан ўзаро тил бириктириб, муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда, ҳужжатсиз 23,5 минг дона, умумий баҳоси 35,3 млн. сўмлик аудио ва видео дискларни ноқонуний сотиш мақсадида сақлаётгани аниқланди. Бундан ташқари, ўтказилган тадбирлар мобайнида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган А.Шамахмудходжаев ва дўкон сотувчиси Ж.Эрмуҳамедовлар ҳужжатсиз, турли жанрдаги кинофильмлар, мусиқа асарлари ёзилган 13,0 минг дона, 26,4 млн. сўмлик DVD ва CD дискларини ноқонуний сотаётгани маълум бўлди.

Республикамизда лазер дискларни ноқонуний сотиш, кўпайтириш, тарқатиш ва ижарага бериш билан шуғулланаётган сохта тадбиркорларни фош этиш ҳамда ноқонуний фаолиятига чек қўйиш Департаментнинг олдида турган долзарб масалалардан бирига айланаётир. Бир неча миллион сўмлик даромад келтираётган, шу орқали айримларнинг чўнтагини қаппайтираётган ноқонуний бизнес ортидан кўрилган маънавий ва иқтисодий зарарни ҳеч қандай усул билан қоплаб бўлмайди. Шу боис ҳам "Касални даволагандан кўра олдини олган маъқулроқ"дир. "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан турли кўринишдаги санъат асарлари, жумладан, кино, видеофильмлар, клиплар, фонограммаларни сотиш, ижарага бериш, ўрнатиш, алмаштириш, совға қилиш ва бошқа ҳолатлар қонунга мувофиқ таъқиб этилади. Ана шу қонун меъёрларини менсимай, муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда машаққатсиз даромад олишни кўзлаётганлар ҳам афсуски орамизда учраб турибди. Бу йўлда профессионалликни ҳам даъво қилаётганларнинг борлиги, қонун ҳимоячилари ва истеъмолчиларни янада эътиборлироқ бўлишга ундайди. Масалан, ана шу қалбакиликка қўл урган Н.Хасанова дўконда сотиш учун 4 турдаги 14882 дона, жами 26,4 млн. сўмлик тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган аудио ва видео дисклар ва 300 дона диск этикеткаларини сақлаётгани ва ушбу дискларни сотиш баробарида харидорларга чек бермаётгани аниқланди.

Ачинарлиси, бунга ўхшаш мисоллар кўплаб топилади. Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги, Департамент, солиқ ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда ноқонунийлиги аниқланиб, суд қарорига асосан мусодара этилган 75 минг донадан зиёд CD, DVD, VCD дисклари ҳамда видеокассеталар жамоатчилик иштирокида йўқ қилинди.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан мусодара қилинган маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд эмас. Боз устига уларнинг сифати ҳам кафолатланмаган. Бироқ истеъмолчилар фонограмма маҳсулотларини сотиб олишаётганида унинг сохта ёки ҳақиқийлигига эътибор беришавермайди. Бу ҳолатлар албатта мусиқий асар ёки кинофильм бўладими, кўплаб нусхада кўчириб, сотаётганлар учун қўл келмоқда. Аммо энг муҳим масала белгиланган тартибда руйхатдан ўтган тадбиркор ҳар бир маҳсулот савдосидан тушган даромад ҳисобидан давлатга солиқ тўлаб, қалбакилик йўлини танлаганлар эса қонунни четлаб ўтаётганидадир. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан элликка яқин бундай қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 500 млн.сўмга яқин сохта маҳсулотлар мусодара қилинди ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Бу муаммонинг бир томони. Ушбу кинофильмларнинг республикамизда сотилиши, кўпайтирилиши таъқиқланганлиги боиси воқеан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга тўғри келмаслиги, одоб-ахлоқ меъёрларига зидлиги ҳамда ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатишига бориб тақалади...

Яна бир муаммоли ҳолат, қонуний фаолият олиб бораётган тадбиркорнинг лицензияланган маҳсулот яратиш машаққати десак муболаға бўлмайди. Зеро, лицензион маҳсулот тайёр ҳолга келгунича бир неча босқичдан ўтади. Дастлаб, ижрочи ёки муаллиф билан шартнома тузиб, ундан асарни кўпайтириш ва сотиш ҳуқуқи олинади. Шартномада сотилган маҳсулотдан тушадиган даромаднинг маълум фоизи ҳуқуқ эгасига берилиши кўрсатилади. Тасвирга олиш ва бошқа ишлар учун кетадиган вақт ва маблағдан сўнг асар намойишга тавсия этилади. Иш шу билан якунига етмайди. Студия сарфлаган харажатларини қоплаш учун, олган даромади эвазига янги ижодий ишга қўл уриш ниятида маҳсулотини аҳоли ўртасида тарғиб қилади. Бироқ, бир дона сотилган асл маҳсулот воситасида минглаб сохта нусхалар пайдо бўлаяптики, натижада арзоннинг "шўрваси" сохтафурушлар учун татибгина қолмай, қонуний фаолият юритаётган томоннинг инқирозига сабаб бўлмоқда.

Тадбиркорлик таваккалчилик асосида қурилади, дейдиганлар ҳам бор. Бироқ бу таваккалчилик бировнинг зарари эвазига фойда келтириши ақлга зид. Бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳам маълум. Лекин муаммонинг илдизи бевосита ўзимизнинг фаолиятимизга, ҳуқуқий билимларимизга бориб тақалади. Ҳар биримиз қонунларни ҳурмат қилишга ва бозорларимизда ҳақиқий тадбиркор сифатида рақобатни юзага келтиришга интилсак бу масала ўз ечимини топиши шубҳасиз.

**Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Матбуот гуруҳи бош инспектори**
**Муродбек ҒОФУРОВ,**
**катта инспектор**

**Сардор Раҳимхон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

*- Ноқонуний сохта дисклар билан савдо қиладиганларнинг бир йиллик пул айланмаси каттагина миқдорни ташкил қиларкан. Лицензияли диск ишлаб чиқариш учун битта корхонада 10-15 киши ишлайди, маош олади, солиқлар тўланади. Сохтафурушлар эса ҳеч нарса тўламайди. Хорижда хонандалар муаллифлик ҳуқуқидан келадиган даромад билан яшашади. Бизда эса асосий даромад манбаи тўй-у ҳашамлар бўлиб қолаяпти. Шундан кейин тўйбоп қўшиқлар яратишга мажбурсиз. Қалбаки дисклар ижод қилишга ҳам тўсқинлик қиляпти. Бизнинг ҳам созандалар билан жонли ижрода, бетакрор қўшиқлар ёзгимиз келади. Қанча меҳнат билан дискимизни чиқарамиз, қарабсизки, икки кундан кейин бозорларда кўчирма нусхаси пайдо бўлади.*

**Акобир САЙИДОВ тайёрлади**

БУНЁДКОРЛИК

## Янги миллий кошона

### Сергели тумани аҳолисига хизмат қилмоқда

*Ижодкор аҳли "инсон қўли гул" деган иборани кўп ишлатади. Биз пойтахтимизнинг Сергели туманида мустақилликнинг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги шарафига очилган янги миллий кошонани кўриб, инсон қўли чинданда гул, деган хулосага келдик. Бу бежиз эмас. Чунки айни шу ер бундан атиги 2 йил бурун бўм-бўш, тошлоқ жой эди.*

Бугун ана шу ташландиқ ва тошлоқ бир жойда шундай кўркам ва муҳташам кошона пайдо бўлдики, кўрган кишининг ҳаваси келмай иложи йўқ. Кириш йўлагидан тортиб ҳар бир ёғочигача юксак дид билан ишланган. Унда Қўқон ва Тошкент миллий ҳунармандчилиги мактабининг анъаналарини кузатиш мумкин. Ёғоч ўймакорлиги, миниатюралар, қабариқ нақш ва расмлар кошонага ҳам салобат, ҳам миллийлик бахш этиб турибди.

- Тўғри пайқабсиз,- деди "Гулзор-сервис" МЧЖ раҳбари Музаффар Турғунов. - Бу ерда, асосан, тошкентлик ва қўқонлик усталар ишлашди. Расмлар ва нақшларни пойтахтимиздаги Беҳзод номидаги коллеж ўқитувчи ва талабалари солишди. Кошона майдони ярим гектардан иборат. 24 та каттакичик хонаси бор. Катта хоналарига 60 киши, кичикларига 14 киши бемалол сиғади.

Хоналарни бирма-бир кузатдик. Уларга ишланган нақш ва безаклар бири-бирини такрорламайди: гўзал ва нафис, миллийлик уфуриб турибди.

Кошонани бунёд этиш учун 800 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этилибди.

- 2007 йилнинг 29 декабрида ана шу жойни бизга бериш ҳақида Тошкент шаҳри ҳокимининг қарори чиққан эди,- дейди Музаффар Турғунов. - Бир ярим йил ичида қуриб битказдик. "Ипотека банк"дан кредит олдик. Қолган маблағларни ўзимиз ишлаб топдик. Шу ўринда маҳаллий ҳокимият, айниқса, туман ҳокими Муталиб Абдуллаевнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлигини таъкидлаш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Қолаверса, бу мустақиллигимиз, мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган эътибор, имконият ва имтиёзларнинг маҳсули дейиш мумкин.

Кошона ҳовлиси ва ён-атрофида катта-кичик боғ барпо этилди. 30 мингтага яқин гул, мингдан зиёд манзарали дарахт экилди.

Кошона ичи ва ён-атрофида 7 минг квадрат метрли йўл теккислаб асфалтланди. Бир пайтнинг ўзида 200 та енгил автомашина сиғадиган жой қилинди.

Янги кошона "Бахт-диёр" тўйхонасига туташиб, биргаликда яхлит бир мажмуани ташкил этган. Мажмуада йилнинг исталган фаслида катта-кичик тўй ёки маросимларни ўтказиш мумкин.

- "Бахт-диёр" кошонасида шу пайтгача 500 миллион сўмлик турли хил маросимлар ўтказдик. Кошонамиз бир вақтнинг ўзида 800 кишини қабул қила олади,- дейди Музаффар ака. - Дарвоқе, яқинда туман ҳокимияти ташаббуси билан ана шу кошонамизда 6 жуфт келин-куёвнинг никоҳ, 45 нафар боланинг суннат тўйи ҳомийлар маблағи ҳисобидан ўтказиб берилди. Шу пайтгача кошонамизда 61 жуфт ёшнинг никоҳ, 2500 нафардан кўпроқ боланинг суннат тўйлари бўлиб ўтди. Ҳар бир тўйга 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ана шундай савобли ишларга бош ҳомийлардан бири бўлганлигимиздан кўнглимиз равшан тортади.

"Гулзор-сервис" МЧЖга қарашли бундай ораста, гўзал кошонани кўриб бизнинг ҳам кўнглимиз равшан тортди.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**Зиёдулло НОРМУРОДОВ**
**олган суратлар**



КАМОЛОТ

*Сайдиллахон Гулямов 28 ёшида юридик фанлари илмий даражасига эга бўлди. Оиласидаги маънавий муҳитнинг таъсири ўлароқ илму-фанга рағбат қилган олим Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетини имтиёзли диплом билан тамомлагач, Буюк Британиянинг Эденбург шаҳридаги Напиер университетида таҳсил олди. Магистратура даражасига эса Тошкент Давлат Юридик институтида эга бўлди. 24 ёшида юқори малакали иқтисодчи-ҳуқуқшунос мақоми ҳар кимга ҳам насиб этавермаса керак.*

## Келажак тимсоли

### Ватан равнақи учун ўз меҳнати, салоҳиятини аямаётган ёш, иқтидорли олимлар сиймосида акс этади

Ёш бўлишига қарамай, Сайдиллахон Гулямов Ўзбекистон Республикаси Олий ва Хўжалик судлари, Республика Адлия вазирлиги, Япония Адлия вазирлиги Илмий-маслаҳат кенгашлари, Тошкент Давлат Юридик институти Муаммолар кенгаши аъзоси сифатида фаолият юритмоқда. У "Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили" журналини ташкил қилди ва 2004 йилдан буён бош муҳаррирлик вазифасини бажариб келмоқда. Шу ўринда унинг олимлик чўққисини забт этишига, отаси академик Саидахрор Саидахмедович, онаси Солиҳа опаларнинг таъсири катта бўлганини айтиш ўринлидир.

Айни дамгача 4 та монография, 4та дарслик ва ўқув қўлланма, юзга яқин илмий мақолалар ёзиб, нашр қилдирган олим шу йили 33 ёшни қаршилаётир. Унинг раҳбарлигида 11 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Бундан ташқари, яна 15 нафар бўлажак фан номзоди унинг кўмагида юридик илмнинг - Фуқаролик ҳуқуқи, Интелликтуал мулк ва Халқаро хусусий ҳуқуқ муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Олим айни дамда Тошкент Давлат Юридик институтининг Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси ҳамда Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири лавозимида ишламоқда.

Фахр билан таъкидлаш керакки, олим устози, академик Ҳ.Рахмонқулов билан ҳамкорликда Ўзбекистонда корпоратив ҳуқуқ бўйича илк маротаба "Корпоратив ҳуқуқ" махсус дарслигини яратди. Бир неча грантларда фаол иштирок этган Сайдиллахон 9 та китоб учун 50 миллион сўм ундириб, нашр харажатларига сарфлади. Ҳозирги пайтда корпоратив ҳуқуқ муаммоларини амалиётга татбиқ этиш учун махсус юридик фирма очиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз томонидан ёшларимизнинг хорижий тилларни мукаммал ўрганишига берган эътибори, таълим-тарбия учун юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар бугун Сайдиллахондек ёш олимлар мисолида ўз мевасини бераётир. Келажак тимсоли ёш, иқтидорли олимлар қўлида эканлигини Президентимиз Ислом Каримов қайта-қайта тилга оларкан, бугун Ватан равнақи йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган ёшлар мисолида бунга амин бўламиз.

Тошкент Давлат Юридик институти талабаларининг 19 та магистрлик диссертацияси ва 10 дан ортиқ бакалавр битирув ишларига раҳбарлик қилган Сайдиллахон Гулямов фаолиятига назар ташлар эканмиз, келажакда ҳам у ҳуқуқшуносликнинг фалсафий, иқтисодий, тарихий ҳамда бошқа соҳаларни тадқиқ қилишига, ўз салоҳиятини янада кенгроқ намойиш эта олишига ишонч ҳосил қиламиз.

**Норхўжа КАРИМОВ**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Наргиза ТЎХЛИЕВА

# Компьютер ва тарбия

## жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар сони тобора кўпаймоқда, мижозларнинг аксарияти эса ёшлардан иборат. Ёш авлод мазкур соҳани ипидан игнасигача мукаммал эгаллашга ҳаракат қилаяптими ёки унинг қулига айланиб бораяптими, буни ажратиб олиш мушкул

*Инсоният тарихининг ҳайрат чўққисида энг узоқ турган кашфиётлардан бири — бу компьютер ва интернет бўлса ажабмас. Улар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди, хоҳлаймизми йўқми, ундан айро яшаш мушкул. Айниқса, ёш авлоднинг янги технология билан "дўстлашгани" бир томондан ижобий таассурот қолдирса, иккинчи томондан кишини хавотирга солади. Тадқиқотларга кўра, бугун монитор олдида ўтирганларнинг кўпчилик қисмини болалар ва ёшлар ташкил этади. Шу сабабли ҳам одамларни компьютердан "ажратиб олиш", унинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини етарлича тушунтириш асосий масалага айланган.*



Бугунги кунда сайёрамизда интернетдан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳон миқёсида ўргимчак тўрида ишловчилар қарийб 2 миллиардни ташкил этмоқда. Юртимизда эса бу кўрсаткич 3 миллион нафардан ортиб бораётир.

Мутахассислар фикрича, кўпчилик ёшларнинг ахборотга нисбатан эҳтиёжи ошса-ошганки, камайгани йўқ. Ахборот олиш имкониятларининг юқорилиги боис интернет уларни ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Бироқ улар маълумотлар аҳамиятини ажрата олишмаяпти. Бу эса баъзан тажовузкор ўйинлар, порнографик сайтлар билан банд бўлиб қолишга сабаб бўлаётир. Оқибатда улар реал ҳаётдан ажралиб қолади, виртуал оламда яшайди. Лекин буни уларнинг ўзлари ҳис қилмайди.

Боланинг компьютерда ўйнаётганини диққат билан кузатганмисиз? Уларга тушунтириш у ёқда турсин савол бериш ҳам ортиқча. Шу даражада қизиққанки, оч қолса ҳам ота-онаси берган пулларни тежаб интернет-кафеларга чопади. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозир аксар интернет-кафелар болалардан миннатдор.

Агар боланинг ўзига қўйиб берсангиз, у соатлаб ва ҳатто кунлаб ана шу машина олдида тик туриб ишлашга ҳам рози. Бу яхши эмаслигини барчамиз биламиз. Аввало, болани ҳар қадамда назорат қилишнинг иложи йўқ ёки бундай ишнинг оқибати болага нисбатан ишончсизлик ва уни бездириб қўйиш билан якун топиши эҳтимолдан холи эмас. Энг катта муаммо эса ўзимизда: катта авлоднинг компьютер технологиялари борасидаги билимлари етишмаслигида. Улар бу борада болага ўрнак бўлолмайди ёки йўл-йўриқ кўрсата олмайди. Кўполлик билан тўхтатаман, деб ўйлайсангиз хато қиласиз.

Компьютер экрани қаршисида ўтирган болани кузатинг, агар ўйин талаби шундай бўлса, у одамларни (ўйиндаги) хотиржам туриб отиб ташлайди. Банкни ўмаради, машинани олиб қочади, хуллас, шу ўйин нимани буюрса ўшани қилади. Хўш болаларга бунинг нимаси ёқади?

Компьютердан кўзини ололмай ниқталиб қолган болакайларнинг бирини безовта қилишга тўғри келди.

**— Нима ўйнаяпсан?**

— ГТА. (Бу ўйиннинг тўлиқ номи GTA: san Andreas).

**— Қанақа ўйин ўзи бу?**

— Зўр ўйин. (кейинги саволни беришга ҳожат қолмади). Хоҳлаган нарсани қилса бўлади. Машинага, вертолётга чиқасиз. Кийимларни алмаштирса бўлади. Овқат еса бўлади. Казинога кириб покер ўйнайсиз. Баскетбол, бильярд. Машинага бампер, спайдер қўйса бўлади. Кўп одам ўлдирворсез полиция орқездан тушади. Қизлар билан учрашувга чиқади. Миллий (ўйин қаҳрамонларидан бири) билан банкка ўғриликка тушиш учун танишади. Карол Жонсон асосий қаҳрамони. Тўрт йил олдин Лос Сантасдан кетган. Ўйин у қайтгандан кейин бошланади.

Даҳшат. Одам ўлдириш, учрашувлар, покер. Қаранг, бола бирорта ҳам "гул", "қуёш", "камалак"ка ўхшаш сўзни айтмади. У таъкидлаган ҳамма сўзлар нафс билан боғлиқ, гўзаллик ёки яхшилик билан эмас.

Уни яна саволга тутамиз.

**— Ота-онангга ёрдам берсанг ёки бўш вақтингда бирор китоб ўқисанг бўлмайдими?**

— ... Ёрдам бераман. Аммо ўртоқларимдан ҳам ажралгим келмайди-да. Биз ҳар куни келаётганимиз йўқ. Кунора, 3-4 кунда бир марта 1-2 соатдан ўйнаймиз.

**— Яхши, бундан оила аъзоларингни хабари борми?**

— Ҳа, лекин анови Камол ота-онасига айтмасдан келган.

Маълум бўлишича, бозорда диск кўринишида сотилаётган ўйинларнинг деярли 95 фоизи қотиллик, ўғрилик, зўравонлик ва шу каби хатти-ҳаракатлар асосига қурилган экан. Доимий компьютер ўйинларини ўйнаш болада кўникиш пайдо қилади ва аста-секин жиноятларни ҳам у оддий ҳолдек қабул қилади. Бола дунёқарашига таъсир ўтказади: унда бир уриб кўрсам, муштлашсам деган фикрлар пайдо бўлади. У бу дунё шафқатсиз, унда фақат кучлилар ғолиб чиқади, деб ўйлай бошлайди. Шунингдек, ўйинларда айрим давлатларнинг рамзлари қўлланади. Болага уларни танлаш таклиф этилади ва ана шу восита орқали бизнинг турмуш тарзимиз энг зўр, биздан ибрат олинг, деган ғоя сезиларсиз тарзда сингдириб борилади. Бу жуда жиддий ғоявий таъсир.

Болага ўйинда одам ўлдирганлиги учун, машина ўғирлагани учун пул беришади. Бу унга ёқади, у ғолиб бўлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бола мияси "нусха кўчириш"га уста. У ҳаётда ҳам ана шундай ғолиб бўлгиси келади. Компьютер, интернет, айниқса, кичик оилалардаги болаларни алоҳида оламда яшашга ўргатиб қўйди. У воқеаларни ўзи мушоҳада қилади ва ўзи қарор чиқаради. Тўғри ва нотўғри ҳақидаги тушунчалар унинг онгида исталган шаклда ривожланиши мумкин. Бу қуруқ ваҳима эмас. Бизда энди-энди ривожланётган жараённинг тараққий этган давлатлардаги салбий оқибатларини кўришимиз мумкин.

Канадалик 25 ёшли Кимвир Жилл 20 кишини жароҳатлаб, 18 ёшли қизни ўлдирган, кейин эса ўзини ҳам отиб ташлаган. Мутахассислар унинг Интернетдаги ёзишмаларини излаб топишгач, маълум бўлдики, у почта ходимлари томонидан содир этилувчи беъмани қотилликлар асосига қурилган «postal» ўйинининг ашаддий ишқивози бўлган. Бу ўйинлар оқибатига кейинроқ Александр Копцев томонидан амалга оширилган қирғинлардан сўнг Москва синагогида ҳам гувоҳи бўлишган. Бу йигитчаларнинг жиноят оламига умуман даҳли йўқлигини ҳам таъкидлаш керак.

Умуман олганда, сўнгги вақтларда бу каби одам жонига қасд қилган ўқувчилар, ёшлар ҳақидаги хабарлар оқими кўпайиб қолган. Компьютер ўйинларию интернет тармоғига ҳаддан ортиқ боғланиб қолишни касаллик, дея баҳолашган ўринлар ҳам йўқ эмас. Гарчи бунинг қай даражадаги руҳий хасталик эканлиги номаълум бўлса-да, лекин юқори технологияларсиз "яшолмаётганлар" сони ўсиб бормоқда. Америкада 2,5 минг киши ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 70 фоиз одам интернетсиз умуман яшай олмаслигини билдирган. Уларнинг 14 фоизи бутунжаҳон тармоғисиз ҳаёт кечиришлари мушкул кечишини айтган. 12,3 фоиз одам ўзини бу тармоқда ишлашдан тийишга уринаётган экан. 8,7 фоиз киши эса интернетга бўлган қизиқишини дўстлари, ҳамкасблари ва оила аъзоларидан сир тутишга уринади.

Жаҳон тиббиёти тажрибасида компьютер олдида ўтириб вафот этганлар ҳам учраган. Бугун монитор олдида ўтирганларнинг аксарияти болалар ва ёшлар. Шу сабабли ҳам одамларни компьютердан "ажратиб олиш" муаммоси кўплаб мамлакатларда кун тартибидаги масалага айланган.

Масалан, Буюк Британия мактабларида ўқув дастурига янги фан киритилган. Бу Бахт дарсидир. Ушбу фаннинг асосий вазифаси болаларни ўзига ишониш, ташқи дунё мураккабликларига бардош беришга ва тушкунликка тушмасликка ўргатишдир. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, сўнгги пайтда инглиз мактаблари ўқувчилари орасида тушкунлик (депрессия)га тушиш ҳоллари ҳақиқий эпидемияга айланган. Шунинг учун ҳам барча давлат мактабларида психологлар махсус ишлаб чиқилган дастур бўйича бахт дарсларини ўтишга қарор қилишди.

Ҳатто глобаллашув жараёни авж олиб, XXI аср техник юксалишлар асри бўлса-да болага самимий туйғулар, гўзал нарсалар, ахлоқ меъёрлари ҳақида гапириш керак. Уларга ўзингизнинг иқтисодий муаммоларингиз, ижтимоий мавқеингиз нуқтаи назаридан эмас, энди дунёни англаб, унга нисбатан муайян муносабати шаклланаётган шахс сифатида эътибор бериш керак бўлади. Шунда болаларнинг ҳам алоҳида оламларга ўтиб яшашларига ҳожат қолмайди.

*— Ҳисоб-китоблар интернетдан фойдаланиш учун тўловлар йилдан йилга камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, 2004 йилда халқаро тармоқда ишлаш учун соатига ўртача 1000 сўм тўлаш талаб этилган бўлса, ҳозир ушбу хизмат баҳоси 600 сўм атрофида белгиланмоқда. Бироқ, умумий даромад кўрсаткичлари билан қиёслаганда, бу нарх барибир юқори. Шу боис ҳам, аҳолининг кенг қатлами учун интернетдан фойдаланиш ҳамон муаммолигича қолмоқда.*

*"Ipsos" компанияси "Бутунжаҳон тармоғи қиёфаси" номли маъруза маълумотларига кўра, 2005 йилда Япония аҳолиси интернетга энг кўп кирган мамлакат вакиллари бўлган. Сўровда қатнашган 89 фоиз японияликлар интернетдан ҳеч бўлмаганда бир ойда бир марта фойдаланишларини маълум қилишган. Канадада интернет фойдаланувчилари 72, АҚШда 71, Жанубий Кореяда 68, Германияда 62, Россияда эса 19 фоизни ташкил этади.*

*Яна бир маълумот. Интернетда хитойликлар 17,9, японияликлар 13,9, жанубий кореяликлар 12,7, канадаликлар 12,4, америкаликлар 11,4, россияликлар 5,7 фоиз вақтини интернет сайрига бағишлайдилар. Юқори тезликка эга интернет Япония, Хитой ва Германияда кенг тарқалган, дея хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси.*

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## 40 йилдан сўнг

***Ҳиндистонда рўй берган табиий офат оқибатида қарийб 250 нафар одам ҳалок бўлган.***

"AFP" агентлиги маълумотларига кўра, мамлакатнинг Карнатака, Андхра-Прадеш ва Махараштра штатларида ёққан кучли муссон ёмғири 1,5 миллион одамни уйсиз қолдирган. Табиий офатдан, айниқса, Карнатака аҳолиси кўп жабр кўрди. Бу ерда 200 мингдан зиёд уйлар хонавайрон бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, муссон ёмғири Ҳиндистонда ҳар қачонгидан эрта бошлангани туфайли қурбонлар сони кўпайган. Бундай табиий офат ўтган 40 йилдан буён кузатилмаганди. Айни пайтда ҳар 3 та штатда фавқулотда ҳолат эълон қилинган.

## Ваколатхоналар ёпилди

***БМТ Покистондаги барча ваколатхоналарни ёпди.***

Исломобод шаҳридаги БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури биносида портлаш юз бергач, халқаро ташкилот Покистоннинг Карачи, Музаффаробод, Пешовар ва Кветтеда фаолият олиб бораётган барча ваколатхоналарни ёпишга қарор қилди. Полиция маҳкамаси хабарига кўра, бомба портлаган жойда қарийб 80 киши бўлган. Нохуш воқеа уч нафар ироқлик ва икки нафар покистонлик аёлларнинг ҳаётига зомин бўлган. Ҳар уччала шахс БМТ ваколатхонаси ходимлари бўлган. Портлашни ҳеч қайси террорчи гуруҳлар бўйнига олмаган.

## Сайловга тайёргарлик авжида

***Украинада президентлик сайловларига тайёргарлик жараёни қизғин давом этмоқда.***

Мамлакатда шу йилнинг 19 октябридан 13 ноябригача президентликка номзодларни рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, республика бош вазири Юлия Тимошенко, "Регионлар партияси" етакчиси Виктор Янукович, амалдаги президент Виктор Ющченко, Олий Рада спикери Владимир Литвин, парламентнинг собиқ спикери Арсений Яценюк ва бошқа сиёсатчилар президентикка номзодларини қўйишни мўлжаллаб туришибди. Эслатиб ўтамиз, Украинада келгуси йилнинг 17 январида навбатдаги президентлик сайлови ўтказилиши белгиланган.

## Қутқарув амалиёти тўхтатилди

***Индонезияда зилзила оқибатида бедарак йўқолганларни қидирув-қутқарув ишлари тўхтатилди.***

Индонезия ҳукуматининг маълум қилишича, 5 кундан сўнг вайроналар остида қолганларнинг омон қолиши даргумон, шу мақсадда мазкур ҳаракатлар тўхтатилган. Айни пайтда бу ерда 17 мамлакатдан келган қутқарув отрядлари вазиятни ўнглашга яқиндан ёрдам беришмоқда. Эслатиб ўтамиз, 30 сентябрь куни Индонезиянинг шарқий қисмида 6,1 балли зилзила содир бўлганди. Кучли ер силкиниши қарийб 4 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган. Суматра ороли маркази Паданг шаҳридаги биноларнинг 75 фоизи вайронага айланган. Табиий офат Филиппин оролларини ҳам қамраб олган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

# Микроорганизмлар

## улар инсон умрини узайтира оладими?

*Маълумки, бугунги кунда фаннинг барча соҳаларида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда ва улкан ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, тиббиётда қилинаётган кашфиётлар инсон ақлини шошириб қўймоқда.*

Яқинда халқаро олимлар гуруҳи Ёқутистон ҳудудидаги Мамонт қоясида олиб борган қазишма ишлари чоғида илмфанга номаълум бўлган бактерияни аниқлади. Шундан сўнг, "тадқиқотчилар, бир неча қатлам муз орасидан тирик бактерияни аниқлашди ва у инсон умрини узайтириш хусусиятига эга", деган хабар ҳам тарқалди. Мана шу шов-шувли хабар хусусида бироз тўхталсак.

Ушбу тадқиқотни ўтказган мутахассисларнинг ёзишича, янги топилган бактерия муз орасида 2 млн. йил яшаган. У орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамасдан ўзининг табиий хусусиятини йўқотмаган. Дарвоқе, бундай ўлмас бактерия олимларнинг қўлига тарихимизда илк бор тушиши. Олимлар, "ушбу бактерия қандай модда ҳисобига ДНКсини ҳимоя қилаётганини аниқлай олсак, биз бу бактерияни одам организмига ўтказиш йўли билан қариликдан асрайдиган дорини топган бўлар эдик", дейишмоқда. Тўғририроғи, ўтказилган тадқиқот деярли ижобий натижа берганини маълум қилишмоқда. Яъни музлаб ётган микроорганизм эритилиб, кўпайтирилиб, сичқонларнинг овқатига қўшиб берилган. Шунда сичқонларнинг руҳий ҳамда жисмоний ўсиши, ҳатто 20 фоизга кўп яшаши аниқланган.

— Ҳақиқатан ҳам инсоният умрбоқий ҳаёт билан юзма-юз турибди. Агар биз мана шу бактерия ёрдамида инсон ҳаётини лоақал 10 фоизга узайтира оладиган дори ярата олганимизда эди, ҳозир бутун дунё энг қимматбаҳо деб ҳисоблаётган нефть ушбу дори олдида бир арзимас ўйинчоқга ўхшаб қоларди,- дейди Тюмень нефтегаз университети профессори ҳамда ушбу тадқиқот раҳбари Анатолий Брушков.

Ушбу илмий сафарда иштирок этган микробиолог Владимир Репиннинг таъкидлашича, тадқиқот Японияниг Хоккайдо университети лабораторияси билан ҳамкорликда ўтказилган. Лабораторияда 40 киши гувоҳлигида мўжизавий бактериянинг ДНКси текширилганида у ҳеч қайси бир микроорганизмга ўхшамаслиги ва илм-фанга номаълумлиги аниқланган. Кейинги текширувларда эса, айнан ана шундай микроб Лена ва Алдан дарёларида ҳам борлиги маълум бўлган. Айтишларича, Мамонт қоясидаги музликлар баъзи пайтларда эриб мана шу дарёларга тушаркан. Дарвоқе, Ёқутистонда маҳаллий аҳоли Лена ва Алдан дарёси сувидан истеъмол қилишади. Балки шунинг учун, айнан Ёқутистон Россиянинг узоқ умр кўриш маркази ҳисобланади. Негаки, у ернинг яшаш шароити ниҳоятда оғирлигига қарамай ёқутистонликларнинг кўпчилиги 100 ёш ва ундан ортиқ умр кўраркан.

Олимлар, инсон умрини узайтириш бу ҳали келажакдаги режалаштирилаётган тадқиқот бўлса-да, айни пайтда инсон ҳаётига таҳдид солаётган, унинг умрини қисқартираётган баъзи касалликларни даволашда қўлланиладиган вакциналарнинг ўзи катта ютуқ дейишмоқда. Профессор ҳамда иммунолог Юрий Суховейнинг маълумотларига қараганда, юқорида айтилган бактерия сичқонларда синаб кўрилганда, ушбу микроорганизм уларнинг иммун тизимини яхшилаб, яраларнинг кичрайишига таъсир этган. Айни пайтда ушбу бактерия саратон касалликларида синовдан ўтказилмоқда. Юрий Суховейнинг таъкидлашича, биринчи натижалар ёмон эмас, махсус бактерия билан эмланган сичқонлардаги ўсимталар бир мунча кичрайган. Бу ҳам айни пайтда инсон саломатлигини асраш ва умрини узайтиришдаги бир ютуқ.

Олимлар яна бир муаммо устида баҳс-мунозаралар олиб боришмоқда. Нима учун муз орасидаги бактерия музлаб қолмаган? Ёқутистоннинг доимий ҳарорати -3,-5 С ташкил этади. Маълумки, бундай ҳароратда тирик ҳужайра музламайди. Муз билан ўралган микроорганизм ҳаракатланмаса-да, озиқланмаса-да яшай олади. Бу жараёнда микроорганизм ўзидан совуқ ҳавода ҳужайраларни ҳимоя эта оладиган модда ишлаб чиқараркан. Аммо, айнан бу қандай модда эканлиги афсуски, жумбоқлигича қолмоқда.

Мутахассислар шунга ўхшаш микроорганизмлар ер юзининг турли бурчакларида ҳам борлиги ва бу бактериялар инсон умрини узайтириш хусусиятига эга эмаслигини ҳам айтишмоқда. Масалан, Пенсильвания университети биологлари энг узоқ яшаган, яъни 250 млн. ёшли бактерияни аниқлашган. Халқаро биологлар гуруҳи Антарктика музининг 3,6 минг метр чуқурлигидан 500 минг йиллик цианобактерияни топган. 100 млн. ёшли қаҳрабо тошдан олинган микроорганизм қайтадан тирилиб, ўсишда давом этган. Лекин уларнинг ҳеч бири ҳали инсон умрини узайтиришда қўлланилаётгани йўқ. Шундай бўлсада, олимлар ортга чекинмай тадқиқотларини давом эттиришмоқда. Ким билсин балки, келажакда улар "боқий умр" муаммосини ҳал қилишар.

# КЎЗГУ

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

# Кандакорлик

## халқ амалий санъатининг энг нафис тури

*Дарҳақиқат, шундай. Тасаввур қилинг, ёғочга нафис қилиб ўйилган нақшлар, қадимий меъморчилик ёдгорликлари, кошинкор, жозибали безаклар, нафосатли гулдор матолар, металлга нақш ўйиб ишланган буюмлар гўзаллиги ҳар қандай кишини мафтун қилиши шубҳасиз. Бу эса ўзбек халқи санъати, ранг-баранг миллий қадриятлари узоқ тарихга эга эканлигини билдиради. Ҳунармандлар оиласида туғилиб ўсган Мақсуд ака Мадалиев ҳам аждодлари мероси — металлдан ясалган буюмларни нафосатли нақшлар билан безаш санъатини давом эттириб келаётган моҳир кандакорлардан бири. У киши билан суҳбатимиз кўҳна ва нозик касб кандакорликнинг сир-асрорлари, аҳамияти ҳақида бўлди.*

- Ота-боболаримиздан мерос қолган кандакорлик ҳунари уч юз йиллик тарихга эга. Бу касб билан қўлимга болға кўтаришга қувватим етгандан буён шуғулланаман. Мустабид тузум йилларида эскилик сарқити деб кандакорликни йўқотишга ҳаракат қилинган ва маълум маънода бунга эришилган. Оқибатда бу касб эгалари кескин камайиб кетди. Шунга қарамай, устозим отам соҳани ривожлантириш, тўғриғоғи, аждодларимиз меросини давом эттиришга ҳаракат қилди. Баъзи пайтларда вилоятлардан келган усталар отам билан устахонамизга келиб ҳафталаб ишлаб кетишарди. Мен бўлсам чой, нон етказиш баҳонасида самарқандлик усталардан идишга шакл ясаш, риштонликлардан даста қўйиш сирларини ўргандим. Илгарилари кандакорлик билан уч киши шуғулланган; бири буюмга шакл ясаган, иккинчиси рихтагарлар — даста, қопқоқ қисмларини қўйган ва яна бири унга безак бериб, санъат асари даражасига етказган. Эски давр асорати туфайли усталар тарқалиб ва камайиб кетгач, ҳар учта ишни ҳам ўзимиз қилдик ва... натижада кандакорлик ана шу йўллар билан сақланиб қолинди.

**- Металлга ишлов беришда нималарга эътибор бериш керак? Бугунги кундаги нақш услубларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

- Энг аввало, ясаётган буюмнинг миллийлиги, кейин қадимий нақш услубларини сақлаган ҳолда бугунги кунга мослаб безатиш талаб этилади. Дарвоқе, 1997 йили Покистонда ҳунармандчилик бўйича фестиваль ўтказилди. Кўплаб мамлакатлар иштирок этган ушбу халқ амалий санъати кўргазмасида фақат намойиш этиш, сотиш эмас, усталар ясаган маҳсулотларни тақдирлаш ҳам бўлди. Ушанда 1-ўринни менга беришди. Санъатшунос ҳакамлар уста Мақсуд Мадалиевнинг ишларида Бобурийлар давридаги санъат асарлари бузилмаган ҳолда акс этган дейишибди. Очиғи, бундан бошим осмонга етди.

Мавзуга қайтамиз. Безаш жараёнида ясалаётган буюмни кўз олдимизга келтирамиз. Масалан, офтобанинг безаги, унинг олдингилардан нимаси билан фарқ қилишини билиш лозим. Бугунги кунда кўпроқ ислимий нақшларнинг, чорбарги, сербарги, меҳроби каби турларидан фойдаланамиз. Бундан ташқари ўсимликсимон нақшлардан, табиатдаги ўсимликлар гўзаллигини маъданда акс эттирамиз. Ҳар хил қимматбаҳо тош ва металлардан, айниқса кумушдан кенг фойдаланамиз.

*Металлни шаклга киритиш жуда машаққатли иш. Бир куни отам раҳматлик билан офтоба ясаб ўтирсак, "қорнини очинг" дедилар. Шунча ҳаракат қилсам ҳам қийшайиб кетаверди, айтганимдек чиқмади. Шунда отам ўғлим шунча йил ёнимда ўтирибсиз-у овозига эътибор қилмабсиз-да, болға яхши тегмаяпти дедилар. Ёшлик қилиб овозга ҳам эътибор бермабмиз. Кейин билсам, буюм ясаётганда овозига ҳам эътибор бериш керак экан.*

**- Тошкент кандакорлиги бошқа вилоятлардан нимаси билан фарқ қилади?**

- Пойтахт мактабини яратишда Қўқон кандакорлигини таъсири катта бўлган. Тошкент кандакорлигининг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё мактабларидан фарқ қиладиган жиҳатини буюмларнинг йирикроқ гуллар билан безатилишида кузатиш мумкин. Бундай безакли маҳсулотларга бўлган талаб ҳамиша юқори бўлган. Ҳозирги вақтда янада гўзалроқ кўринишдаги гуллар билан безалган маҳсулотлар ишлаб чиқараяпмиз.

Унутилаётган халқ амалий санъати кандакорликни қўлимиздан келганча тикладик ва бу хайрли ишни давом эттираяпмиз. Бугунги кунда асосан кандакорлик санъатининг нақш ва безак бериш услубларини, чокма, чекма, қолипаки соводгарлик кабиларни қайта тиклаганмиз. Қайта тикланган услубларнинг аҳамиятли томони шундаки, буюмга берилган нақшни янада бойитишда, гўзал бўлишида алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари ягона нақш бўлмасдан бошқа безаклар бериб тўлдирилади.

**- Уста кандакор Мақсуд аканинг хатти-ҳаракатларини кузата туриб, оддий металлдан санъат асари яратиш учун энг аввало, сабр-тоқат, заҳмат, ирода ва малака талаб қилишига амин бўлдик.**

- Кандакорликни аёлларнинг дўппи тикишига қиёс қилиш мумкин: у ҳам жуда нозик касб. Ингичка чизиқлар кесиб чиқилади, қаттиқроқ уриб қўйсангиз, тешилиб қолади, нотўғри урсангиз тўғирлаб бўлмайди: жуда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Бугунги кунда ҳар бир ўзбек хонадонини кандакорлик услубида безатилган чойнак, пиёла, коса, офтоба каби уйрўзғор буюмлари билан таъминлаётган уста-ҳунармандлар миллий қадриятларимизни қайтадан тикланишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бу эса халқ амалий санъатининг бардавом бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**- Халқ ҳунармандчилиги анъаналари авлоддан-авлодга ўтиши билан тирик. Шогирдларингизга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?**

- Тошкент мактаби йўналишида бир нечта шогирдлар тайёрладим. Улардан кандакор Асқар Ниёзов тажрибали уста бўлиб етишган. Ўғлим Улуғбек ҳам кандакорлик сирларини пухта ўзлаштирган. Бу ҳунарни ота-боболаримиз бизгача покиза асраб етказишган. Мен ҳам келажак авлодга шундай етказишни хоҳлайман ва шогирдларимга маслаҳатим ҳам шу. Бундан ташқари, уларга қўл учида нақш солиб, шакл ясаб пул орқасидан қувиб санъатни қадрсизлантиришдан тийилишни уқтираман. Шу жиҳатдан, ҳунар доимо покизалик ва ҳалол меҳнатни талаб қилади.

**Суҳбатдош, Камолиддин ҲОТАМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири**

ҲАБАРЛАР

## Театр талабалар даврасида

**"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида Республика Ёш томошабинлар театри ходимлари билан ижодий учрашув бўлиб ўтди**

Унда Тошкент Давлат Техника университети ҳамда шаҳарча ҳудудидаги ўртамахсус таълим муассасалари талаба-ўқувчилари иштирок этди.

"Ўзбектеатр" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Абдулазизова, Озода Абдулбоқиева, Венера Софиянова ва бошқалар ташриф буюришди.

- Талабаларнинг санъатга бўлган қизиқишини кўриб қувондим,- дейди актриса Озода Абдулбоқиева. - Театр кишиларга маънавий озуқа беради, ёшларнинг баркамол бўлиб етишишларида айнан санъатнинг ўрни беқиёс.

Сўзга чиққанлар, ҳозирги кунда Ўзбекистонда театр санъатининг ривожланиб бораётгани, янги истеъдодлар кашф этилаётгани ва ёшларнинг театрга бўлган муносабатлари хусусида тўхталиб, театрнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида фикр билдирди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

*Фарғона шаҳрида яна бир муҳташам илм кошонаси қад ростлади. Тошкент Ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.*

## Бунда ёшлар топади камол

Бир пайтнинг ўзида 360 нафар талабаларни ўз бағрига сиғдира оладиган мажмуада ёшларнинг билим олишлари, назарий билимларини амалиёт билан боғлашлари, спорт-соғломлаштириш машғулотларида фаол иштирок этишлари билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар яратиб берилди. Умумий майдони 4 гектарни ташкил этган бино ўзининг классик кўринишдаги меъморий лойиҳаси билан ҳам ажралиб туради. Кенг ва ёруғ фан, лаборатория хоналари, 200 кишилик маъруза зали, ахборот-ресурс маркази ўқув зали, 30х18 ўлчамдаги ёпиқ спорт зал, 100 ўринли ошхона талаба-ёшлар ихтиёрида.

Янги илм кошонаси Юртбошимизнинг "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида"ги Қарори асосида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳомийлигида барпо этилди. Бу ерда Олтиариқ туманидаги "1-Қурилиш механизациялашган карвон" қурувчилар жамоаси 3 миллиард 900 миллион сўмдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Мазкур билим кошонаси қурилишида ўзига хос қурилиш амалларидан фойдаланилди. Ўқув хоналарининг пол қисмига паркет ётқизилди, ўқув жиҳозлари қарағай ёғочидан тайёрланди.

- Барча ўқув жараёнлари замонавий компьютер технологиялари ёрдамида амалга оширилади ва улар ички локал ҳамда интернет тармоғига улангани билан ажралиб туради,- дейди филиал директори ўринбосари Ҳабибулло Абдураҳмонов. - Бу эса ёшлар учун соҳани мукаммал билиш, замонавий ахборот технология воситаларидан оқилона фойдаланиш имкониятини беради.

## Хитой-юртимиз фоторассомлари нигоҳида

Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги Тошкент Фотосуратлар уйида "Хитой - ўзбекистонлик фоторассомлар нигоҳида" номли кўргазма очилди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Хитой халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма Хитой мустақиллигининг 60 йиллигига бағишланди.

- Буюк ва қадимий бу юрт Ўзбекистонда доимо катта қизиқиш уйғотган,- дейди фотография тарихчиси Борис Голендер. - Ипак йўли бўйлаб Хитой ва Ўзбекистон алоқалари маданият ва санъат соҳасида жуда кўп нуқталарда кесишади. Айнан шу жиҳат фоторассомларимизга ҳақиқий Хитойни кенг томошабинга кўрсата олишига имкон берди.

Кўргазмада Турсун Али, Владимир Жирнов, Фарҳод Қурбонбоев ва Раҳмон Исломовларнинг ўттиздан зиёд фотоишлари намойиш этилмоқда.

Томоша қилар экансиз, фоторассом Турсун Алининг замонавий Хитой тараққиёти сабаблари ва ноёб манбаларни чуқурроқ тушунишга ёрдам берувчи мазмунли фотоэтюдлари ўзгача кайфият уйғотади. Тянь-Шань тоғларининг гўзал табиати акс этган Владимир Жирнов асарларидан эса завқ оласиз, кўнглингизда илиқлик пайдо бўлади.

Фарҳод Қурбонов асарларида эса кўпроқ икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқалари акс этган.

Кўргазма ўзбек ва хитой халқи ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган кўпқиррали алоқалар ҳақида гувоҳлик бериб, Хитой табиатининг ранг-баранглиги, Буюк Хитой деворининг "фанза" архитектурасини ўзида жамлаган.

**"Туркистон-пресс"**

ЎГИТ

**Ўтган ишга ачинма, фурсатни ғанимат бил, умрни пушаймонликда кечирма.**

* * *

**Ваҳм ақлнинг рақибидир, ҳамиша ақлу идрок ила жанг айлар.**

*Жалолиддин РУМИЙ*

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг қимматбаҳо қўғирчоқ "Барби" ҳисобланади. Кўйлаклари ҳақиқий олмослар билан безатилган ушбу қўғирчоқнинг баҳоси юз минг евро туради.

* * *

200 йилдан зиёдроқ вақт илгари рус аёли 27 туғриқ билан жами 69 нафар фарзандни дунёга келтирган. У тўрт марта тўрттадан, етти марта учтадан ва 16 марта иккитадан бола туққан. Энг ажабланарлиси у бирон марта якка фарзанд кўрмаган. Фарзандлари сони кўплиги жиҳатидан иккинчи ўринни бундан 500 йил аввал дунёдан кўз юмган немис аёли банд этган. Унинг Бениггеймдаги қабртошида 38 нафар ўғил ва 15 нафар қизнинг онаси бўлгани қайд этилган.

* * *

Лондон — қадимги римликларнинг "Лондониум" сўзидан келиб чиққан деган тахминлар бор. Аммо бу сўзнинг аниқ маъноси йўқ. Баъзи тахминларга кўра, "Лондон" лотинча "Lond" сўзидан келиб чиққан бўлиб, яъни "ўрмон орасидаги ёввойи жой" маъносини англатади. Яна бир тахминга кўра, у қадимги кельтлар тилидан олинган бўлиб, "Llin" (кўл) ва "Dun" (мустаҳкамлаш) сўзлари бирикмасидан пайдо бўлган. Кельтлар даврида шаҳар "Lludid" деб аталган.

ТУРФА ОЛАМ

## Улкан хазина

***Стаффордшир графлигининг ҳаваскор археологи VII асрга тааллуқли бўлган, Англия тарихидаги улкан хазинани аниқлади.***

Археолог металл қидирувчи мослама ёрдамида ер остидан салкам 1,5 мингга яқин буюмларни топган. Хазина умумий ҳисобга олинганда 2,5 кг. кумуш, тахминан 5 кг. олтин ҳамда асосан қурол-аслаха, бош кийим ва тақинчоқлардан иборат экани маълум бўлган. Мутахассислар ушбу буюмлар VII асрга тегишли дейишмоқда. Аммо, уларнинг қийматини баҳолашда олимлар ҳали бир тўхтамга келишганича йўқ.

## Дангасалар учун

***Honda компанияси "U3-X" деб номланган ажойиб қурилмани ихтиро қилди.***

Айтишларича, ушбу мослама ёрдамида одам кўчада бемалол юра олади ва осонгина манзилига етиб оларкан. Бу транспорт воситаси битта ғилдирак ва бир дона ўриндиқдан иборат бўлиб, унинг батарея заряди 1 соатга етади, баландлиги 65 см., оғирлиги 10 кг. бўлиб, йўловчи тезлигида, яъни соатига 6 км. тезликда ҳаракатланади. Мослама муаллифларининг таъкидлашича, ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Tokyo Motor Show кўргазмасида «U3-X»нинг илк намойиши бўлиб ўтади.

## "Тўрт қанотли" динозавр

***Хитойлик палеонтологлар Anchiornis huxleyi номли динозаврнинг ниҳоятда яхши сақланган суяк қолдиқларини аниқлашга муваффақ бўлишган.***

Айни пайтга қадар олимлар 150 млн. йил аввал яшаган ушбу жонзотни Archaeopteryхларнинг қариндоши деб ҳисоблашган. Мутахассислар бу хулосага келишганига сабаб ўшанда ушбу жонзотнинг айрим суякларигина топилган эди. Хитойдан аниқланган ушбу топилма ёрдамида эса олимлар олдинги хулоса нотўғрилиги ва бу динозавр Archaeopteryхлардан анча олдин(тахминан 151-161 млн. йил аввал) яшаганини исботлашди. Олимларнинг таъкидлашича, ушбу динозаврнинг тўртта қаноти ҳам пат билан қоплангани боис уни "тўрт қанотли" динозавр деб аташмоқда.

## Ниҳоятда ақлли

***Японялик мутахассисларнинг техника соҳасидаги яна бир ихтироси одамларни ҳайратлантирмай қўймади. Негаки, бу сафар улар ўзи юрар полни ихтиро қилишган.***

Қарангки, у бир нечта блоклардан иборат бўлиб, инсон қадам қўяётганидаги босимга қараб, унинг қаерга оёқ босишини билган ҳолда ўша ерга ҳаракатланаркан. Цукуба университетининг профессори, ихтирочи Хиро Иватанинг тушунтиришича, унинг кашфиёти, инсон гўёки дарёдан ўтаётганида тошлар ўзи билиб керакли йўналишга ҳаракатланаётгандек кўринишга эга экан.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-923, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Акобир САЙИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 5